270596

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'РИҒАТ ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 22 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 36 (6733)

Даъват

Билгинки, ҳар бир кишининг ақлу идроки ва заковати унинг сўзидан ва қилган ишидан маълум бўлади.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Ибрат

Марҳамат шаҳар халқ таълими бўлими қошида янги футбол мактаби ташкил этилди. Уни ривожлантириш учун шаҳар ҳокимияти 200 минг сўм пул ажратди.

МДҲ: БОШ МАСАЛА — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Иқтисодий интеграция тараққиётининг гарови, ҳар бир мамлакатда халқ манфаатига хизмат қиладиган ислоҳотларни рўёбга чиқарувчи омил эканлиги бугунги кунда мустақил давлатлар ҳаётида равшан бўлиб бораяпти. Шу боис МДҲ га аъзо мамлакатлар раҳбарларининг 20-учрашувида ҳам иқтисодий муаммолар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш асосий мавзулардан бўлди.

17 май куни Кремлда МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши дастлаб ёпиқ эшиклар ортида ўз ишини бошлади. Сўнгра кенгаш Кремлнинг Екатерина залида ялпи мажлисини давом эттирди. Мажлис кун тартиби тасдиқлангандан сўнг кенгаш аъзолари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қиргизистон Президентлари ташаббуси билан кун тартибига киритилган МДҲ га аъзо давлатлар раҳбарларининг «Россиядаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёноти»ни муҳокама қилдилар. Баёнотда Ҳамдўстликка аъзо давлатлардаги вазият кўп жиҳатдан Россиядаги ўзгаришлар муваффақиятига боғлиқлиги, ислоҳотлар ўзининг илк самараларини бера бошлагани, бу вазиятда сиёсий иродани намойиш қилиб, белгиланган йўлдан ортга қайтмаслик лозимлиги таъкидланади.

МДҲ га аъзо мамлакатлар раҳбарларининг барчаси бу баёнотнинг муҳимлигини таъкидлаб, уни якдиллик билан ёқлаб фикр билдирдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам бу масалада ўз фикрини билдириб, Россия демократик ислоҳотларни бошлаб, сиёсий ҳаётда ҳам, иқтисодий ҳаётда ҳам МДҲ мамлакатлари учун намуна бўлаётган ҳам МДҲ мамлакатлари учун намуна бўлганлигини, шу боис Б. Ельциннинг МДҲ давлат раҳбарлари кенгашига яна раис этиб сайлангани Ҳамдўстлик мамлакатлари Президентлари демократик Россия тарафдори эканини намойиш қилишини қайд этди.

Кенгаш мажлисида яна бир муҳим масала — МДҲнинг 1996 — 1997 йиллардаги интеграциявий ривожланиш истиқлол режаси муҳокама қилинди. Олти йирик бўлимдан иборат бу ҳужжатда Ҳамдўстлик давлатларининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсат, тинчликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ташқи сиёсат юритишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш юзасидан тадбирлар белгиланган.

Кенгаш мажлисида МДҲ ҳудудида уюшган жиноятчиликка ва бошқа хавфли жиноятларга қарши курашнинг 2000-йилгача бўлган давлатлараро дастури ҳам муҳокама қилинди.

Кенгаш Абхазия можароси минтақасида тинчликни таъминлаш коллектив кучлари ваколат муддатини яна икки ойга узайтиришга қарор қилди.

Кенгашнинг ялпи мажлисида БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий иштирок қилди ва нутқ сўзлади. У МДҲнинг жаҳонда тинчликни таъминлаш борасидаги фаолиятига юксак баҳо берди.

МДҲнинг келгусидаги истиқболи россияликлар Президент сайловида кимни сайлашига ҳам боғлиқдир. Шу боис МДҲ давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашув муддати белгиланмади. Уйлаймизки, бу сайловда ақл-заковат голиб келади.

МДҲ ДОИРАСИДА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ДЕМОКРАТИК ҲАМКОРЛИК УЧУН

Таҳририятдан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 17 май куни МДҲга аъзо давлатлар бошлиқлари кенгашининг мажлисидаги баёноти мазмунини эълон қилмоқдамиз, баёнот Ўзбекистон Президенти матбуот хизмати томонидан тарқатилган.

ССРнинг парчаланиши — жаҳон тарихининг объектив ва қонуний ривожидир, деди Ўзбекистон Президенти, биз бундан мутлақо афсусланмаймиз. Янги давлатлар истиқлол ва мустақилликка эришгач, Россия демократик ислоҳотларни бошлаб, сиёсий ҳаётда ҳам, иқтисодий ҳаётда ҳам МДҲ мамлакатлари учун намуна бўлди.

Ҳозирги кунда Президент лавозими учун демократик вазиятда сайловолди кураши бормоқда, бу ҳам биз учун яхши намунадир. Табиийки, биз Россия бошлаган ислоҳотлар давом этиши ва муваффақиятли якунланишини истаймиз.

Яна бир жиҳат тўғрисида гапирмоқчиман. Биз собиқ советлар ҳудудида қарор топган ўзаро ҳурмат муносабатларига энг аввало, Россия ва унинг раҳбариятининг янги мустақил давлатлар барқарорлиги ва истиқлолини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда пухта ўйлаб ўтказаётган сиёсати сабаб, деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, Россиянинг бу демократик йўлини ҳозирги кунда фақат янги мустақил давлатлар эмас, шу билан бирга бутун дунё қўллаб-қувватламоқда.

Сайловда россияликлар ва фақат россияликлар овоз беришини биламиз. Шу билан бирга МДҲ мамлакатларида яшаётган халқлар — биз Россия кимни сайлашига бефарқ қараб тура олмаймиз. Биз буни сир тутмаймиз. МДҲдаги бошқа мамлакатлардаги вазият Россия Президентликка кимни сайлашига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Башарти, Россияда демократик ислоҳотлар давом эттирилса — маълум бир вазият вужудга келади, коммунистлар ғалаба қозонса, вазият бутунлай бошқача бўлади. Бу шубҳасиз орқага қайтиш бўлур эди. Ҳеч шубҳасиз, коммунистларнинг ҳокимият тепасига чиқиши Россиянинг ўзидагина эмас, МДҲнинг бошқа давлатларида ҳам қарама-қаршиликларга олиб келади.

Мен бугун Борис Николаевич Ельциннинг келажакка ишонч билан қарашини қўллаб-қувватлаб, Россия демократик йўлини танлаб олди, деб ишонч билдиришни истар эдим.

«ЎЗБЕККИНО»НИНГ ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШИ

Мустақил мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич жорий этилиши, ташқи дунё билан ўзаро муносабатлар қўлами ва суръати ижтимоий-маънавий ҳаётимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида»ги мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган Фармони маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган кино санъатини замонавий шарт-шароитларда қўллаб-қувватлашга, янгича ташкил этишга қаратилган тарихий ҳужжатдир.

Пойтахтимиздаги киночилар уйида мазкур компаниянинг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика ва вилоят кино ташкилотлари раҳбарлари, таниқли киноижодкорлар иштирок этишди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси А. Орипов, Ўзбекистон адлия вазири С. Мирсафоев, таниқли кинорежиссёрлар М. Қаюмов, Р. Ботиров, Қ. Камолова, кинодраматурглар Ф. Мусажонов, А. Ҳужаев ва бошқалар сўзга чиқиб, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг ташкил этилиши мустақил давлат миллий киносининг ривожида муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратишда акциядорликнинг ўрни ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан компания раиси таниқли кинорежиссёр Темурмалик Юнусов ва раис ўринбосарлари тайинланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Олий Мажлис раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

Имтиҳонларга тайёрмисиз?

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Сўнгги қўнғироқ чалиниш арафасида Қамаши туманидагина эмас, балки Қашқадарё вилоятида уқув-тарбия ишларини яхши йўлга қўйилганлиги билан тилга тушган билим масканларидан бири— Ўзбекистон номли 3-ўрта мактабда бўлдик. Катта боғ ўртасида жойлашган мактаб биносига кириб боришингиз билан уқитувчилар ва уқувчилар жамоасининг бугунги ҳаёти, ташвишлари яққол сезилади. «Имтиҳонларга тайёрмисиз?» стендида битирувчи синф уқувчилари топширадиган имтиҳонлар рўйхати ва ўтадиган муддатлари акс этган. — Уқув йили дуруст якунланяпти, — дейди мактаб директори Амир Пармонов. — Рейтинг кўрсаткичлари педагогик жамоамиз иш самарадорлиги ўсганлигини, уқувчиларимиз билимлари аввалги йилларга нисбатан чуқурлашганини ифода этяпти. Буни мактаб ҳаётидаги айрим мисоллар ҳам тасдиқлайди, албатта. 11-синф уқувчиси Нодира Пармонова ўтган йили ёш биологлар вилоят олимпиадасида 1-ўринни эгаллади. Бошланғич синф муаллими Рўзигул Тураева «Йил уқитувчиси-95» кўрик-танловида туман ғолиби бўлиб, вилоят беллашувида ҳам фахрли ўринни қўлга киритди... Умуман, уқув йили якунларининг дастлабки таҳлиллари педагогик жамоамизнинг кўзлаган режалари амалга ошганини кўрсатяпти.

Директор ён дафтарчасини олиб бир қанча рақамларни шарҳлади. Маълум бўлишича, мазкур уқув йилида билим масканида 600 уқувчи таълим олган. Уларга 57 нафар педагог таълим-тарбия берган. Мактабда 7 та фандан чуқурлаштирилган синфлар ташкил этилган. Бу синфларнинг уқувчиларига 10 нафар 1-тоифали, 30 нафар 2-тоифали уқитувчилар дарс ўтганлар.

Туман, вилоят, республика олимпиада босқичларида мактаб уқувчилари 23 фан бўйича иштирок қилганлар. Уқувчиларнинг билимларни чуқур эгаллашида таълимни кабинет тизими (23 та фан хонаси) асосида олиб борилиши, уқитувчиларнинг дарс ўтишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиши ҳам муҳим омил бўлган.

— Куни кеча педагогларимиз ва ота-оналарнинг қўшма йиғилишида битириш имтиҳонларига тайёргарлик масаласини кўриб чиқдик, — деб ҳикоясини давом эттирди А. Пармонов. — Бу йил 36 нафар уқувчи 11-синфни, 64 нафар уқувчи 9-синфни битиради. Уларнинг имтиҳонларга ҳозирлик кўришига мактабда ва уйда шарт-шароитлар яратишга келишиб олинди. Кираверишда «Маслаҳатлар жадвали»га кўзингиз тушган бўлса керак. Шунга кўра, уқувчилар гуруҳларига маслаҳатчилар белгиланган. Улар ҳар кабинетларида доимий навбатчилик қиладилар, мавзулар бўйича қўшимча машғулотлар ўтказадилар. Айниқса, компьютерда ишлаш, тест топшириқлари бўйича машқларни ўтказиш, мавзулар бўйича қўшимча адабиётлар ва манбалар билан таништиришга эътибор қаратилади.

Билим масканининг айрим хоналарида таъмирлаш ишлари ҳам бошлаб юборилганини бу ерга келганимиздаёқ пайқагандик. Шу хусусда директордан сўрадик.

— Аввало, уқув йили давомида мактабимиз биносини яхши сақлашга эришдик, — деди А. Пармонов. —Шу боис барча хоналарни махсус комиссия кўриб чиқиб, бу мавсумдаги таъмир режасини тузди. Оталиқ ва ҳомий ташкилотларимиз ҳам бу режани амалга оширишга ёрдам беришади. Мактаб фондидан (ҳисобимизда 50 минг сўм пул бор) айрим қурилиш материалларини сотиб оламиз. Умуман, таъмир ишларини 1 июнгача тугалламоқчимиз. Сўнг асосий эътиборни янги уқув йилига тайёргарликнинг бошқа масалаларига қаратамиз.

Ҳа, вақтдан ўзиб ишлашга интилаётган мактаб педагогик жамоаси бугунги кунда «Сўнгги қўнғироқ»ни тантанали ўтказиш, битириш имтиҳонларини қўнгилдагидек натижалар билан якунлаш, «Оқ йўл!» тилаш анъанавий кечасини ёдда қоларли ташкил этиш ташвишлари билан яшамоқда. Шу боис беихтиёр, ишларингизда омад ёр бўлсин, дегиси келади кишининг...

М. РАҲМОНОВ,
С. ОСТОНОВ.

Янги ўқув муассасалари очиш, уларда замон талабларига жавоб бера оладиган фанларни ўқитиш ва шу орқали келажакни теран англай оладиган ёш авлодни тарбиялаш — бугуннинг вазифаси. Зарафшон шаҳридаги М. Горький номидаги мактаб яқинда гимназияга айлантирилган бўлса-да, бу вазифани кўнгилдагидек бажармоқда. Махсус синфларда ёш авлодга кимё, биология, физика ва математика каби фанлардан чуқурлаштирилган сабоқлар берилмоқда. Шунингдек, ўқувчилар инглиз ва немис тилларини ўрганиш баробарида жаҳон маданиятидан ҳам бохабар бўлишмоқда.

Суратда: гимназиянинг тажрибали биология ўқитувчиси Раиса Ким машғулот олиб бораяпти.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

Маълумот учун

БИРИ ДАРСЛИК, БИРИ АВТОМОБИЛЬ...

Ходимлар масъулиятини ошириш, транспорт ва бошқа сарф-харажатларни камайтириш, таълим муассасаларининг моддий базасини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги моддий-техника таъминоти бош бошқармаси «Таълимтаъминот» ташкилоти тугатилиб, унинг негизида «Таълим-Таъминот-Жиҳоз» ва «Таълим-Қурилиш-Таъминот» республика ташкилотлари тузилди.

«Таълим-Таъминот-Жиҳоз» халқ таълими тизимидаги муассасаларни мебель, ўқув кўргазмали қуроллари ва техник воситалари, дарсликлар ва ўқув адабиётлари, юмшоқ жиҳозлар, кийим-кечак, пойабзал, хўжалик идиш-товоқлари билан, «Таълим-Қурилиш-Таъминот» эса қурилиш ҳамда лак-бўёқ материаллари, темир, ёғоч ва тахта, қурилиш ва таъмир жамланмаси, кир ювиш воситалари, автомобиль, трактор, уларга эҳтиёт қисмлар ва шиналар билан таъминлайди.

Ижодкор ўқитувчиларнинг V кенгаши

ҲАР БАҲОРНИНГ БОРДИР ЎЗ ГАШТИ

Бадиий ижод — яхши ният ҳосиласи, эзгулик меваси. Ижодиётга иштиёқманд кўнгил эзгуликка эш ва қодир. Қувончлиси, эзгуликка энг катта анжуманлардан бири ҳисобланмиш ижодкор уқитувчилар кенгаши ҳар гал баҳор ойларида бўлиб утмоқда. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. «Ҳар баҳорнинг бордир ўз гашти», дейди шоир. Ижодкорларнинг Фарғона вилояти бўйлаб қилган сафари ҳам кўнгилларга баҳор сурурини олиб кирди.

МУҲАББАТ ВОДИЙСИДА

йўғрилган кўнгил эгалари бўлмиш ижодкорлар уқитувчилар орасида ҳам кўплаб учрайди. Эътиборли томони, мана ўрт йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ижодкор уқитувчилар анжуманини ўтказиб келмоқда.

Бу йилги ижодкор уқитувчиларнинг анъанавий V кенгаши 16—18 май кунлари Фарғона вилоятида бўлиб ўтди. Эътибор қилган бўлсангиз, Халқ таълими вазирлиги ташкил этаётган

ТОБУЛҒУ ЙИҒОЧИ ЁХУД ЭНГ КАТТА ҒАЛАБА

«Фарғона вилоятининг гирдо-гирди тоғларида яхши яйлоқлари бор, — дея таъриф этади Бобур Мирзо. — Тобулғу йиғочи бу тоғларда бор, ўзга ҳеч ерда бўлмас. Тобулғу бир йиғоче-

(Давоми 4-бетда)

Янгича иш усули

РЕЙТИНГ — ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

Ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари, таълим муассасаларида давр руҳига мос, кундалик ҳаётнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, маориф ишини мустақиллик шароитида ислоҳ қилиш ишлари олиб бориляпти. Президентимиз И. А. Каримов: «Тарбиячи — устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан бахраманд қилиш, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак», деганларида ҳақ эдилар.

Туманимизда 270 дан ортиқ уқувчилар ЭҲМни турли фанларга татбиқ этадилар. Биз бу борада республика миқёсида илмий-амалий анжуман ҳам ўтказганмиз. 1992 йилдан буён уқувчиларга тест борасида тушунча бериб боряпмиз.

Натижада ҳар уқув йилида кундалик ҳаётнинг эҳтиёжи туфайли уқувчининг ҳар томонлама фаолиятини баҳолаш учун тест-рейтинг усулидан фойдаланишга тўғри келяпти. Бу усул энг адолатли усул ва маънавият мезонидир.

Шу кунгача амалда қўлланиб келинган баҳолашнинг «5» балли тизими замон талаби, фан-техника тараққиётига кўра уқувчилар билимини, қобилиятини баҳолашда кенг қамровли имкониятга эга эмаслиги маълум бўлиб қолди. «5» балли тизим орасидаги тафовутнинг камлиги, имконияти торлиги билан ҳам назардан қоляпти. Жумладан, ундаги «2» баҳо жазо баҳо эканлиги бугунги кунда сир эмас.

Умумий маънода уқитувчи фаолиятига берилган тўғри, адолатли баҳодан сўнг уқитувчи ишлашга интилади. Шундай экан, тест-рейтинг усулида уқитувчи фаолияти ва уқувчи билимини баҳолашнинг афзалликлари нималардан иборат?

Тест-рейтинг усулида уқувчи фаолиятига баҳо беришда:

— уқувчи фаолиятига ижобий баҳо берилади;

— тўпланган балларнинг натижаси кўринади;

— уқитувчи ва уқувчиларнинг ўзлари баҳо қўядилар (ўзаро ишонч таркиб топади);

— уқувчининг шахсий сифатлари баҳоланади;

— Баллар тез ўзгарувчан бўлиб, ошиб ёки тушиб туради;

— бозор иқтисодиёти шароитида уқувчи меҳнатига яраша ҳақ олади;

— йил давомида баҳоланиб, ҳар бир мавзуни ўзлаштириб боради;

— узлуксиз баҳоланиш таъминланади;

— бир хилликка барҳам берилади;

— рақобат пайдо бўлади;

— уқувчи кўпроқ китоб уқишга, спорт билан, санъат билан шуғулланишга мажбур бўлади.

Уқитувчи фаолиятида эса:

— унинг қай даражада билими, дунёқараши, уқувини аниқлайди;

— ҳаётдаги ўрнини белгилайди;

— ҳаётий тажриба, педагогик-психологик билимларини аниқлайди;

— назарий билимларини амалиётда қўллай олиши, уқувчига ўз билимини тушунтира билиши каби жиҳатлари аниқланади;

— уқитувчи ё ишлаш, камолатга етишни, ё касбига тайёр эмаслигини тўлиқ тушуниб етади;

— уқитувчилар билан ишлашнинг янги услубий тизимини яратади;

— муаллимни дарсларида замонавий ахборот технологиясидан фойдаланишга, уқув-тарбия жараёнида илғор технологияни қўлланишга ва шу технологияни ўзи яратишга ундайди.

Юқоридаги тест-рейтинг усули тумандаги барча мактаб, мактабгача тарбия, мактабдан ташқари муассасаларда олиб бориляпти. Айниқса, бу борада «Шодлик» номли 21-мактаб, Ҳамид Олимжон номидаги 12-мактаблар педагогик жамоалари ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Бу ўринда олий тоифали уқитувчилар Ойширин Бозорова, Дилором Шукурова, Санобар Шукурова, Розия Холбоева, Нурия Султонова, Турсуной Қурбонова, Икром Маҳмудов, Мирзо Бобожонов, Аҳмаджон Назаров, Рустам Ходжаковларнинг олиб бораётган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ижодкор уқитувчилар тест-рейтинг тизимини туманимиз шароитига мос қилиб тузиб чиқдилар. Метод бирлашмада муҳокама қилишиб, туман метод кенгашига тавсия этишди. Тажриба тасдиқланди ва туманда шу тажрибалар бўйича икки марта доимий ҳаракатдаги семинар ўтказилди.

Тест-рейтинг бўйича уқитувчиларимиз тажрибаси Сирдарё вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти методистларининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Улар тажрибани ўрганиб, метод кенгашларида маъқуллашди ва тажриба вилоят миқёсида оммалаштирилди.

О. Бозорова, Д. Шукурова, С. Шукуровалар муаллифлиги-

(Давоми 2-бетда)

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Озарбойжон Республикаси Президенти Гейдар Алиевнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 27 май куни расмий ташриф билан Озарбойжон Республикасида бўлади.

⊛ Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 27—28 май кунлари расмий ташриф билан Грузияда бўлади.

⊛ 20 май куни Индонезия Вакиллар палатаси раиси ўринбосари И. Х. Метариум бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга келди. Шу куни меҳмонлар билан Ўзбекистон Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида учрашув бўлиб ўтди.

⊛ Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Бухорода Франция фильмлари фестивали ўтказилди.

⊛ Александр Солженицин швед журналистларига берган интервьюсида Россияда президентликка даъвогарлик қилаётган номзодлар ичида бирорта ҳам яроқлиси йўқ, сайловдан сўнгги ўзгаришларга умид боғламаса ҳам бўлади, деди.

⊛ Америка экспертлари Борис Ельциннинг иккинчи галга ҳам президентликка сайланишини билдирувчи бир қатор тахминларни эълон қилди. Шунингдек, мутахассислар Россия Думасида коммунистлар қаттиқ йўл тутишларини, натижада ташқи сиёсат бобида ўзгаришлар қилишга Б. Ельцинни мажбур этишларини башорат қилишмоқда.

⊛ Римда Италиянинг урушдан сўнгги даври мобайнида 54чи ҳукумати қасамёд қабул қилди. Йигирмата вазирнинг 9 нафари Демократик партиянинг сўл кучларига мансуб.

⊛ Чеченистон мухолифатчилари Данияда ўз ваколатхонасини очишни кўзламоқда. Уни Жоҳар Дудаевнинг жияни бошқармоқчи. У Дания ҳукуматидан мамлакатда яшаш учун рухсат беришларини илтимос қилди.

⊛ Польшанинг собиқ президенти Лех Валенса Буюк Британияга сафари чоғида Европа Қўшма Штатларига биринчи президент бўлиш истаги борлигини маълум қилди.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ҚОЙИЛ, МАРГАРИТА!

Яқинда Украина Республикасининг Запорожье шаҳрида ёш скрипкачи мусиқачиларнинг халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Украина, Белорусь, Арманистон, Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистон давлатларидан 58 нафар қатнашчи ўз санъатларини намойиш қилдилар. Ёш мусиқачилар танловида Ўзбекистондан борган Глиэр мусиқа мактаб-интернати ўқувчиси, 12 ёшли Маргарита Казасянц совринли ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ушбу ёш мусиқачилар кўрик-танлови ҳар йили халқаро миқёсда ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

АДАБИЙ ТАЪЛИМ — АБАДИЙ ТАЪЛИМ

Лутфий номидаги 254-иқтидорли болалар мактабини билмайдиганлар камдан-кам топилса керак, ҳойнаҳой. Ушбу мактаб қошидаги маданий меросга ихлос маркази «Миллий мустақиллик мафкураси ва мактаб адабий таълими» мавзусида илмий-амалий учрашув ўтказди. Учрашувда янги адабиёт дарсликларини амалиётга татбиқ этишнинг долзарб муаммолари муҳокама этилиб, унда Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, шунингдек, бир қатор таниқли адабиётшунос олимлар қатнашдилар. Учрашув қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

БУХОРОДА АКАДЕМИЯ...

Бухорои шариф азал-азалдан илм-маърифат тупроғи бўлиб келган. Ўзининг 2500 йиллик муборак тўйи арафасида турган бу кўҳна ва навқирон диёр яқинда яна бир маърифат гўшаси билан бойиди. Вилоят агросаноат бирлашмаси биносида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд филиали Бухоро бўлимининг очилиш лаҳзалари зўр шодиёналик билан ўтказилди. Вилоят институтларининг бир гуруҳ етакчи олимлари, фахрий зиёлилар иштирокидаги бу қувончли онларга вилоят ҳокимлиги раҳбарлари бош-қош бўлдилар.

ЎзРФА Самарқанд филиали Бухоро бўлими илмий маркази ҳайъат раиси этиб, БухДУ ректори ЎзРФА мухбир аъзоси К. М. Муқимов, марказ директори этиб, эса физика-математика фанлари доктори, профессор И. С. Сафаровлар сайландилар.

Муаллифлар:
Г. Курбонова,
И. Бўрибоев,
Д. Жабборов.

Эҳтиёж

БАДИИЙ ТАЛҚИН МАЛАКАСИ

Республика таълим илмий методика марказининг катта зали ўқувчилар, адабиёт ўқитувчилари, янги адабиёт дарслигининг муаллифлари, олим ва ҳавасмандлар билан гавжум бўлди. Бунда адабиётнинг моҳияти, мақсадлари ҳақида тўлқинланиб гапирилди. Асл мақсад эса янги адабиёт дарсликларини амалиётга татбиқ этишнинг долзарб муаммоларини муҳокама этиш эди. Умуман олганда мақсадга эришилди. Барча бундаги муҳокама, баҳс ва мунозаралардан «нимадир» олиб қайтди.

Дарслик муаллифларидан бири ПФИТИ директори муовини Қозоқбой Йўлдошевнинг маърузаси кўпчиликни тўлқинлантирди. Унинг ушбу фикрларини газетамизнинг кейинги сонларида беришни режалаштирган бўлсак-да, баҳс-мунозаранинг фойдали жиҳатларига эътиборингизни қаратмоқчи эдик. Ўзбекистон халқ таълими вазири тадбирнинг кириш қисмида дастур, дарсликлар яратилавериши, лекин ундаги барча ўқитувчининг малакаси, маҳоратигина ўқувчига тўғри етказиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаганди. Бу ҳақда муаллифлар ҳам шундай фикр билдиришди. Ва бу фикр шу жойнинг ўзидаёқ тасдиқланди ҳам.

Бир ўқитувчи китобдаги айрим асарларни, жумладан Сафоклнинг «Шоҳ Эдип» асарини 7-синф ўқувчиларига тушунтиришда қийналаётганини, чунки Шоҳ Эдипнинг ўз онасига уйланиши ва унинг натижасидаги воқеалар замирини ўқувчилар тўғри қабул қила олмаётганлигидан нолиб гапирди. Яна бири эса умуман тескари гапни айтди. «Болаларимиз тушунишади, фақат, талқинда жозиба бера олиш керак, бунинг учун ўқитувчида бадиий талқин малакаси кераклигини айтиб қолди. Бу борада яна бир ўқитувчи эса Тошкентдаги 148-мактабнинг 7-синфида «Шоҳ Эдип» асари бўйича тажриба-дарс муваффақиятли ўтилганлигини таъкидлади. Хулоса яна бир бор такрорланди: болаларимиз қабул қила оладилар, ҳамма гап ўқитувчи талқинига боғлиқ. Бундан ташқари, муаллифлар учун зарур бўлган таклифлар ҳам билдирилди. Албатта муаллифлар Қ. Йўлдошев, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Нодировлар ҳам сўзга чиқишиб, ўқитувчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларига ўз муносабатларини билдиришди. Ҳар бир муаллифнинг сўзи ўзига хос бўлди. Энг эътиборли фикрлардан бири Сафокл, Маркес, Ч. Айтматовларнинг адабиёт дарслигига киритилиши бу Ўзбекистоннинг бағри кенглиги, умуминсоний қадриятларга интилаётганидан, айрим давлатлар каби ўз қобиғига ўралиб қолмаётганидан далолатдир.

Залдаги ўқувчилардан бири адабиётни тарих дарсидаги бир пайтда ўтиш таклифини айтди. Бунга РТИММ директори, тарихчи олим ушбу фикрни ривожлантириб, адабиётчиларнинг тарихни чуқур ўрганишлари бадиий асар ёзилган даврдаги муҳитни англашда ва асарни таҳлил қилишда жуда қўл келишини таъкидлади.

Жонли мулоқотга айланган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қатнашди.

РЕЙТИНГ – ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

(Боши 1-бетда).

да «Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари фаолиятини баҳолашда тест-рейтинг усулидан фойдаланиш» мавзусидаги мажмуа ҳам чоп этилди. Бу китобча аввал вилоят мактабларига, сўнг Бухорода ўтказилган республика педагогик ўқишларида эса республикага тарқатилди.

Биз қуйида 21-мактаб тажрибасидан айрим мисолларни келтирамиз.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг билимига қараб 10 дан 25 тагача ва ундан ортиқ савол берилиши мумкин. Ўқувчининг қўлидаги 1 дан 15 тагача бўлган сонлар тест саволларини билдиради ва бу сонларни 25 та ва ундан ортиқ ёзиш мумкин.

Агар ўқувчига тест варақаларига қора қалам билан ёзиш ўргатилса, бу варақадан бир неча бор, бир неча фанлардан фойдаланиш мумкин. Тест саволларига жавобларнинг натижалари эса ўқитувчининг рейтинг усулида баҳолаш дафтарига қайд этиб борилади.

Бошланғич синфларимизда ўқувчиларнинг билимларини тест усулида аниқлашни қарийб барча фанлар юзасидан амалга оширилди ва натижалари кутилгандан ҳам аъло даражада бўлди.

Рейтинг усулида ўқувчиларнинг билим ва фаолиятини баҳолаш дафтари ўқувчининг қўлида қуйидаги тартибда бўлади:

Дафтарнинг биринчи бетига: исми, фамилияси, синфи ёзилади. Шунингдек, ўқувчининг синфда бажарадиган вазифаси (ҳар бир ўқувчига вазифа бўлиб берилган: доскага латта, бур келтириш, гулларга сув қуйиш, қоғозларни териб олиш, ўқувчилар тозалигини аниқлаш) қайд этилади.

Иккинчи бетда:
ОНА ТИЛИ

Жадвал

Иш тури	сана	Умумий бали
Синф иши		
Уй иши		
Ёзуви		
Тест		
Диктант		
Оғзаки		
Жами бали (1 кун)		

Ўқувчининг дарсдан ташқари ҳолатидаги фаолияти

Иш тури	умумий бали	сана	қолган бали
Дарсда қатнашиши			
Вазифани уддалаш			
Тугаракда иштироки			
Эрталикдаги иштироки			
Китобларни тутиш			
Дафтарларни тутиш			
Формаси			
Тозалиги			
Хулқи			
Жамоа билан муомаласи			
Тартиб интизоми			

Бу дафтарга ўқувчи томонидан ўқитувчи назорати остида дарсда олган баллар фанлар бўйича қўйиб борилади. Айтайлик, ўқувчи «Ўқиш» фанидан олган тест баҳосини ўқиш графасидаги тест ёнига, ўша фанга қўйиб қўяди. Нутқи равон бўлса, шу графа ёнига, қайси дарсда, қайси санада жавоб берган бўлса, муаллим томонидан ёзиб қўйилади. Ўқитуви балларни эълон қилиб, ўқувчи томонидан дафтар графасининг тўғри тўлдирилишини назорат қилиб боради.

Дафтарнинг яна бир афзаллиги шундаки, у ота-оналар билан алоқа воситасини ҳам бажаради. Натижада мактаб — оила ҳамкорлиги, ўқувчи—ўқитувчи — ота-она муносабати тезлашади. 21-мактабда биринчи чоракда ўқувчилар 420 соат дарс қолдирган бўлсалар шу дафтар юритилиши туфайли II чоракда бу кўрсаткич кескин камайди, III чоракда тўлиқ давоматга эришилди. Шу билан бирга ўқувчиларнинг билими ҳам такомиллашиб бормоқда.

Туманимиздаги 12-мактабда ҳам бу борада яхши тажриба мавжуд. Бу ерда ҳар бир синф, ўқитувчилар хонасида тест-рейтинг натижалари чиқарилган.

Мен бу уринда метод-бирлашма фаолияти рейтингини эътиборингизга ҳавола этмоқчиман:

(Пастдаги жадвалга қаранг)

1. Метод-бирлашма кенгашининг йиллик режасини баҳолашда «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларини қай даражада ҳаётга татбиқ этилганлиги эътиборга олинади ва 50 баллгача балл берилади.

2. Педагогик тоифа учун:

— олий тоифага 80 балл;
— I тоифага 40 балл;
— II тоифага 20 балл;
— мутахассисга 10 балл берилади.

3. Метод-бирлашма аъзоларининг ўз фанлари бўйича ўтказилган тест синовидаги ҳар бир тўғри жавобига 1 балл берилади. Ҳамма саволлар жавобини тўғри белгилаган муаллим 50 балл тўплайди.

4. Очиқ дарс учун:

— аъло ўтилган дарсга 50 балл;
— яхши ўтилган дарсга 30 балл;
— ўрта ўтилган дарсга 10 балл берилади.

Дарс қониқарсиз ўтилса, 50 балл камайтирилади.

5. Педагогларнинг иш тажрибаси оммалаштирилганлиги учун:

— мактабда — 10 балл;
— туманда — 20 балл;
— вилоятда — 40 балл;
— республикада оммалаштирилса, 80 балл берилади.

6. Кўрик-танловлар, педуқишлардаги иштироки учун:

— мактабда— 10 балл;
— туманда — 20 балл;
— вилоятда — 40 балл;
— республикада иштирок этса, 80 балл берилади.

7. Фан хонасини жиҳозлагани учун:

— аъло бўлса — 50 балл;
— яхши бўлса — 40 балл;
— ўрта бўлса, 30 балл берилади;
— қониқарли бўлса, балсиз қолади;
— қониқарсиз бўлса, муаллимнинг умумий балидан 25 балл олинади (камайтирилади).

Ҳар бир ўтказилган семинар, ўқувчиларараро конкурслар, бадиий кечалар, ҳафталиклар учун 35 баллгача берилади. Жадвал ҳар чорак охирида умумлаштирилиб, натижаси методик бурчакда ўз аксини топади. Бундай шароитда ўқитувчи ўз ютуғини эмас, балки ҳамкасбининг ҳам ютуғини ўйлайди. Ўзига тегишли фан йўналиши бўйича юқори балл тўплашга ҳаракат қилади.

Натижага кўра энг юқори балл олган ўқитувчилар рағбатлантирилади.

Туманимизда мактаблар ҳам ўз рейтингининг ошишига ҳаракат қилишяпти. Август кенгашларида ўқув йили учун вазифа белгилашда ҳам бу усул адолатлилиги, маънавият кўзгуси ва мезони эканлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга булади, албатта.

Холмўмин ШУКУРОВ,
Ш. Рашидов туман халқ таълими бўлими мудири,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.

Метод бирлашмалар йўналиши	ўқитувчи сони					очиқ дарс			оммалаштириш						
		йиллик режанинг долзарблиги	Олий тоифа I-тоифа II-тоифа Мутахассис	МОКдан олдинги тестдан олган бали (50 б.)	МОКдан кейинги тестдан олган бали (50 б.)	Аъло Яхши Ўрта	Фанлардан ўқувчиларнинг ўзлаштириши	Фан хоналарининг жиҳози	мактабда туманда вилоятда республикада	кўрик танловда иштироки	Конкурслар	Бадиий кечалар	Ҳафталиклар	Жами бали	эгаллаган ўрни

ҒАЗАЛКЕНТ АНЖУМАНИ

Ҳаётимизда кундан-кун бир-биридан айрича янгиликлар шоҳиди бўлиб бораяпмиз.

Яқинда Ғазалкент шаҳридаги 2-мактабда Таълим илмий-методика маркази ҳамда Тошкент вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институти жамоаси ташкилотчилигида уюштирилган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Йиғилиш асосан таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда ўзбек тилини ўргатиш қай йўсиндалигига бағишланди. Унда туман методистлари қатнашиб қозоқ, рус ва тожик синфларида ўтилаётган ўзбек тили дарсларини кузатишиб, таҳлил қилишди.

Н. ЖАЛОЛОВ.

Республикамизда бўлаётган ислоҳотлар халқ таълими ходимлари олдига ҳам қатор янги талабларни қўймоқда. Буларнинг бари ўқитувчилардан тинмай изланишни, ўз устиларида ишлаб, касб маҳоратларини ошириб боришни талаб этади. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг халқ таълими ходимлари малакасини ошириш факультетида ҳам бу борада қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда.

— Малака ошириш курсларига келган ўқитувчилар таълим соҳасидаги барча янгиликлардан, илғор тажрибалардан хабардор бўлишлари муҳимдир, — дейди факультет декани, тарих фанлари номзоди, доцент Норқўзи Қувватов. — Шунинг учун уларнинг фақат назарий билимларни эгаллаш билан чекланиб қолмай, пойтахтимиздаги намунали мактабларда бўлиб, дарс бериш, ўқитиш жараёнида қўлланилаётган янгиликларни ўз кўзлари билан кўришларига ҳам ҳаракат қилаяпмиз.



Суратда: халқ таълими ходимлари малакасини ошириш факультети декани Норқўзи Қувватов малака ошириш курсига келган бир гуруҳ ўқитувчилар даврасида.

Т. МАНСУРОВ олган сурат.

Эҳтиром

ТОНГЛАР ОТАВЕРАДИ...

Ҳар бир кунимиз оппоқ тонгдан бошланади. Тонгдаги мусаффо туйғулар, орзу-хаёллар кунимизга қувват, ишимизга рағбат бағишлайди. Хивада тонгларнинг отишини ҳеч кузатганмисиз? Осмонўпар миноралар, масжиду мадрасалар тонгни илк бор қаршилайди. Нақшинкор пештоқларга қуёшнинг заррин нурлари урилганда «Ичон-қалъа» алоҳида нурга чулганганидек булади.

Зарифбой ака бу манзарани ҳар куни кузатади. Тонглардан мазмун-маъно кашф этгандек, ҳар бир ишда янгилик, ўзгариш ясаш учун ижодий изланади. Педагогика билим юрти рўпарасида, мажнунтоллар қуршовида ўтмиш билан бугуннинг тарихини мужассам этган Шоҳ Моҳи Рўйи Жаҳон мақбараси, яъни Феруз мақбарасига кунда-кунора зиёратга кириб турмаса, гўё ишида унум булмайдигандек туюлади. Эҳтимол, авлодларнинг давомийлиги ўтганларни тез-тез эслаб туришдадир.

Дарвоқе Зарифбой Қучқоров Хива педагогика билим юртининг директори вазифасида ишлаб келмоқда. Илгари «Хоразмсаёҳат» бошқармасида, Урганч педагогика билим юртида, вилоят халқ таълими бошқармасида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатар экан, анча чиниққан, тажриба тўплаган янги раҳбар ўқув-тарбия жараёнларида чуқур ўзгаришлар ясаганлиги дарҳол кўзга ташланади. Маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, мулоқотлар ўтказиш анъанага айланди. Илм маскани теварак-атрофларини ободонлаштириш, қуқаламзорлаштириш, бир сўз билан айтганда, дил яйратар қилиб безашда, бу ишларга бутун жамоани жалб қилишда унинг диди яққол сезилди. Ферузнинг 150 йиллик туйи олдидан талабалар хиёбони барпо этилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, яшил арчалар ўтқазилди. Яшиллик билим юртига алоҳида кўрк ва чирой бағишлади. Дарахтлар куртакка лаб очганда, илк баҳор кунларининг бирида Муҳаммад Раҳимхон — Феруз юбилейига бағишлаб илмий-назарий анжуман ўтказилди. Шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилиб, мумтоз ғазалларидан намуналар ўқилди. Бу тадбир кўпчиликнинг ёдида қолди.

— Мақсадимиз ёшлар тафаккурида янги тушунчаларни ҳосил қилиш, келажаги буюк, мустақил диёримизга муносиб ворисларни тарбиялашдир, — дейди Зарифбой Қучқоров. — Уларда жаҳон андозаларига мос ва хос қирраларини шакллантирсак, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий салоҳияти ошишига ҳисса қўшган буламиз. Довонга чиққан чўққини кўзлар, деганларидек, қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар, янги-янги чўққиларни кўзлаб меҳнат қилишимиз керак.

Ҳа, билим юртида ўтаётган ҳар бир кун, лаҳза талаба-ёшлар учун унутилмас онлар бўлиб қолмоқда. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган турли кечалар, баҳс-мунозаралар, айниқса, мазмунли бўлди. Ёш рассомлар бу муборак саналарга бағишлаб Соҳибқирон портрети, Хива манзараларини рангин бўёқларда акс эттиришди.

Ҳозир билим юртининг кундузги ва сиртқи бўлимларида 1500 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Улар учун барча зарур шароитлар яратилган. Илм масканининг янги биноси 1988 йилда қурилиб фойдаланишга топширилганди, 500 ўринга мўлжалланган ётоқхона, 200 ўринли ошхона, спорт ва маданият саройлари, 24 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона ва бошқа маданий-маиший шахобчалар ёшлар хизматида.

Янги ўқув йилидан билим юрти қошида педагогик лицей очилди. Бу билим маскани тарихида янги саҳифалар очди. Муҳими «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг амалдаги ифодаси бўлди. Ҳозир лицейда 75 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда.

Турдош билим юртлари билан яқиндан алоқалар ўрнатилган. Ўзаро тажриба алмашишлар, таълим тизимидаги янгиликлар биргаликда баҳам кўрилади. Қўқон, Бухоро, Нукус педагогика билим юртлари билан ўтказилган амалий-назарий семинарлар, анжуманлар, айниқса, самарали бўлди. Бундай тадбирлар келгусида яна давом эттирилади.

Ана шундай хайрли ва савобли ишларнинг бошида турган билим юрти раҳбари, Зарифбой ака Қучқоров бу йил ўзининг эллигинчи баҳорини қаршиламоқда. Илк меҳнат фаолиятини бошлаганига 30 йил тўлди. Инсон шу йиллар давомида қандай ишларни қилиши ва улгуриши мумкин? Бундай қараганда инсон салоҳияти, куч-қуввати, имконияти чексиз-чегарасиз. Олдинда яна қанчадан-қанча босиб ўтилмаган йўллар, довонлар... Кунлар ва Тонглар эса кишини ҳаётнинг шиддатли оқимлари сари бошлайверади...

Сайёра ОТАМУРОДОВА,
Хива педагогика билим юрти ўқитувчиси.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БИТИМЛАР — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тиклаш, уларни ўзгартириш ва тўхтатишга йўналтирилган фаолият. Битимларнинг энг кўп тарқалган тури — шартнома. Турли товар ва хизматлар битим мавзуи бўлиши мумкин. Хайр-эҳсон характеридаги битимларда ҳадя қилиш, текин ёрдам бериш кўзда тутилса, тижорат битимларида товарлар олди-сотдиси, хизматларни пулга ёки бошқа товарга айирбошлаш мўлжалланади.

БЛАНК-ВЕКСЕЛЬ — вексель эгасининг имзоси, қарз миқдори ёки санаси каби одатдаги реквизитлардан бири ёки бир нечаси кўрсатилмаган вексель. Бланк-векселлар муомалага банк акцепти эвазига вексель эгаси (трассант) томонидан ҳам, қарздор томонидан ҳам чиқарилиши мумкин.

БОЖ, бож пули (ар. ўлпон, солиқ) — божхона назорати остида давлат томонидан мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган импорт товарлар, молмулк ва қимматбаҳо буюмлардан ундириладиган пул йиғимлари. У билвосита солиқ тури бўлиб, унинг мол чиқариш, мол киритиш ва мамлакат территорияси орқали ташиб ўтказиш (транзит) учун ундириладиган турлари мавжуд. Бож муайян товарлар рўйхати, товар миқдори, массаси, бирлиги, шунингдек, товар баҳоси (адвалор бож) бўйича белгиланган божхона тарифлари доирасида ундирилади.

БОЖХОНА — чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан, багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассасаси; ўтказилаётган юкларни текшириш ва улардан божхона йиғимлари ундириш билан шуғулланади. Божхоналар, одатда денгиз ва дарё портларида халқаро аэропортларда, темир йўл станцияларининг чегара пунктларида ва мамлакатнинг йирик марказларида жойлашади. Божхона муассасалари ташқи савдода мамлакат манфаати таъминланишини назорат қилади, божхонага юкланган вазифаларни бажаради ва божхона қоидалари бузилишига ҳамда контрабандага қарши кураш олиб боради. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлана бориши муносабати билан божхона муассасаларининг ташкил этилиши ва вазифалари такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон территориясида божхоналар фаолиятини уюштириш ва унга раҳбарликни марказий божхона идораси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Божхона қўмитаси олиб боради.

БОЖХОНА ДАРОМАДЛАРИ — давлат бюджетининг даромад бандларидан бири. Мамлакат чегарасидан ўтаётган товарлардан бож ундириш натижасида ҳосил бўлади ҳамда божхона йиғимлари, чегара солиқ йиғимлари, жарималар ва божхоналар томонидан мусодара қилинган товарларни сотишдан тушган пулдан иборат.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ — миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжат. Чегара орқали ўтаётган юк (экспорт-импорт товарлари, кишиларга тегишли юклар, қўлдаги анжомлар, валюта, қимматбаҳо буюмлар ва б.) ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

БОЖХОНА ЙИҒИМИ — божга қўшимча тарзда ундириладиган йиғимлар, статистик йиғим, марка йиғими, товарларни сақлаш ва омборларга жойлаш ва б. учун олинадиган ҳақлар.

БОЖХОНА КОНВЕНЦИЯСИ — кўп томонлама ёки икки томонлама халқаро келишув; иштирокчи давлатларнинг ўзаро савдо-сотиқда божлар ҳамда божхона расмиятчилиги масалаларини тартибга солишга хизмат қилади.

(Боши газетанинг ўтган сонларида)

(Давоми бор).

КИТОБХОНЛАР КЕНГАШИ

Яқинда азал-азалдан илм-маърифат карвонида сарбон бўлиб келган Хоразм диёрида Республика маданият ишлари вазирлиги, Хоразм вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси ташаббускорлигида Урганч шаҳридаги Қурбон ота Исмоилов номидаги вилоят кутубхонасида Республика ва вилоят илмий-оммабоп кутубхоналари раҳбарларининг амалий семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Республика, вилоят универсал ва болалар кутубхоналари директорларининг ижтимоий иқтисодий жараёнларининг пировард мақсадларини белгилаш ва ислоҳот масалаларига бағишланган ушбу семинар кенгашда бир қатор мутасадди раҳбарларнинг маърузалари тингланди.

Зулхумор РЎЗИЕВА.

Машғулотларда синаб кўринг!

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛГАН ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР

«БИЛИМДОНЛИК» МУСОБАҚАСИ

Бу ўйин асосан 5-6-синф ўқувчиларига мослаштирилган. Ўйинда ўқувчиларнинг оғзаки ҳисоблашларига доир қўникмаларини шакллантириш, тез ва қулай ҳисоблаш йўлларини ўргатиш асосий мақсад сифатида кўзда тутилган. Ўйин турли мавзуларга бағишлаб, масалан, бирор соннинг касрий қисмидан соннинг қийматини аниқлаш мавзуси бўйича ўтказилиши мумкин. Бу ўйинда 8 нафаргача ўқувчи қатнашади. Компьютер дастлаб қатнашувчи ўқувчилар сони ҳақидаги саволни қўяди, сўнг ҳар бир ўқувчи учун бериладиган 5 саволга жавоб бериш вақтини киритишни талаб қилади. Мазкур ўйинда 10, 20, 30 вақт бирлиги ўқувчиларга тавсия қилинади. Ўқувчилар гуруҳи ўзаро маслаҳатлашгач, бу вақтлардан бирини танлаб оладилар. Вақт ўқитувчи тавсиясига кўра ўзгартирилиши мумкин. Агар ўта кучли ўқувчилар танлаб олинган бўлса, вақт чегараси 3, 4, 5... вақт бирлиги билан аниқланиши мумкин. Ўйин «1-қатнашувчининг фамилиясини киритинг!» деган компьютер «таклифи» билан бошланади. Сўнгра, мазкур қатнашувчига 1, 2, 3, 4, 5 саволлар берилади.

Ўқувчи қўйилган саволларга танланган вақт оралиғида бериладиган 5 саволга ўз билими ва маҳоратини ишга солиб жавоб бера олмаса ёки жавоб бериб бўлса, компьютер олдига навбатдаги қатнашувчи таклиф қилинади... Ўйиннинг иккинчи даврасида олинган натижаларни тавсифловчи тасвир кўринади. Бунда ҳар бир ўқувчининг қайси саволга тўғри ва қайси саволга нотўғри жавоб берганлиги ўз аксини топади.

Ўйиннинг сўнгги босқичида натижалар солиштирилиб, олинган баллар юзасидан мусобақани якунловчи тасвир кўринади, бунда ҳар бир тўғри жавоб 2 баллдан баҳоланади.

Мазкур ўйинда қанча кўпроқ ўқувчи қатнашса, ўйиндан кўзда тутилган мақсадга тезроқ эришиш мумкин, негаки ўзаро баҳслашиш, ечимни тезроқ топа билишга интилиш ва ўзаро муҳокама-ю мунозара кенгроқ доирада бўлиб ўтади.

Мазкур ўйиндан дарслар давомида, шунингдек турли математик кечалар ва математик мусобақалар ўтказишда ҳам фойдаланиш яхши натижалар беради.

«АУКЦИОН-А» ЎЙИНИ

Бу ўйин ўқувчилар билим доирасини кенгайтириш ва уларнинг тегишли амаллар юзасидан тез ҳисоблай олиш қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган. Ўйиннинг асосий хусусияти шундан иборатки, тасодифий ёки фикрламай жавоб бериш (бу ҳозирги ўқувчиларга хос бўлиб қолганлиги сир эмас) ўқувчини «ноқулай» аҳволга солиб қўяди.

Ўйинда иккитадан ўқувчи қатнашади. Компьютер ҳар бир қатнашувчи фамилияларини киритиш билан бошланади ва улар ўйин қоидалари билан танишадилар.

Ўйиннинг асосий қоидалари ва олиб борилиши.

1. Ҳар бир ўқувчига навбати билан савол қўйилади. (Масалан, иккита касрий сондан каттасини кўрсатинг).

2. Биринчи қатнашувчининг тўғри жавоблари сони ҳисоблаб борилади ва хатога йўл қўйилган заҳоти навбат иккинчи ўқувчига берилиб, унинг ҳам тўғри жавоблари ҳисобга олинади.

3. Ўйинни бошлаш ҳуқуқини тўғри жавоблар сони юқори бўлган ўқувчи олади, тенг ҳолатда ўқитувчининг ёрдамида биринчи бўлиб бошлаш ҳуқуқини оладиган ўқувчи аниқланади.

4. Ҳар бир қатнашувчига 9 тадан «жетон»лар берилганлик тўғрисидаги тасвир мониторда ўз аксини топгандан сўнг ҳали қўйиладиган саволни кўрмаган ўқувчилар ўзаро «савдолашадилар», яъни савол баҳосини биринчи бўлиб бошлаш ҳуқуқини олган ўқувчи қўяди ва у албатта 9 жетондан кичик бўлиши керак.

5. Иккинчи ўқувчи савол баҳоси киритилгандан сўнг, унга жавоб беришга ҳаракат қилади. Агар жавоб тўғри бўлса, унинг «бойлиги» ўзида қолади ва келгуси саволни баҳолаш ҳуқуқини олади, акс ҳолда рақиб томон жетонлар миқдори камаяди ва бу саволнинг баҳосига боғлиқ.

6. Ўйиннинг қолган қисмида саволни баҳолашда «рақиб» томон жетонлари миқдори ҳисобга олинади, бунда савол баҳоси жетонлар миқдоридан кам бўлиши шарт.

7. Ўйин бирор томон жетонлари миқдори нолга тенг бўлгунга қадар давом эттирилади.

Мазкур ўйин ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини орттира боради, зеро билимсизлик ва билимдонлик нимага олиб бориши унинг кўз ўнгида ўз аксини топади. Ўтказилган тажрибалар бу услубда иш юритиш юқори самаралар беришини кўрсатмоқда.

(Боши газетамизнинг 33-сонида).

Муҳиддин АШУРОВ,
Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий-тадқиқот институти аспиранти.

Сиртқи дарс

29. АМИР ТЕМУРНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни ҳазрати Соҳибқироннинг иҳтимоий-иқтисодий соҳадаги фаолияти билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: Давлат мустақиллиги ва ободлигида оқилона иқтисодий сиёсатнинг муҳимлигини ўқувчилар онгига сингдириш.

Дарс режаси:

1. Ҳазрати Соҳибқироннинг юрт фаровонлиги йўлидаги фаолияти.
2. Амир Темурнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсати.

Ҳазрати Соҳибқироннинг юрт фаровонлиги йўлидаги фаолияти ўша давр тарихий манбалари («Зафарнома»лар, «Амир Темур тузуклари», Ҳофизи Абрўнинг «Зубдатут-таворих», Мирхонд, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Фасиҳий Хофий, Клавихо асарлари)да ўз ифодасини топган.

Шарафуддин Али Йаздий: «Олам равнақи ва рўшнолиги йўлида рағбати ниҳоятда юксак бўлган ул зот ободончиликка ярайдиган бирор қитъа ернинг зоҳ туришини раво кўрмади», — деб ёзади. Шунинг учун ҳазрати Соҳибқирон жаҳоннинг қайси ноҳиясига қадам ранжида қилмасинлар, ўша жой аҳолисининг фаровонлигини кўзладилар. Қаҳроқ ерларга сув чиқариш, суғориш тармоқларини изга солиш, бинойи хайрлар қуриб, деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг равнақи учун шарт-шароит яратиш, қўшни мамлакатлар билан Туркистон ўртасида савдо ва элчилик муносабатларини йўлга қўйишни ана шу фаровон турмушнинг зарурий омили деб тушундилар.

Шарафуддин Али Йаздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур Наҳри Барлос, Наҳри Бағдодак, Наҳри Байлақон каналларини, Хуросонда Жўйи Зар, Жўйи Нав, Жўйи Моҳигир ариқларини қаздириб, кўпгина ерларнинг обод бўлишига йўл очганлар. Ҳофизи Абрў Мурғоб воҳасида йигирмата канал қаздириб, водийда бунёдкорлик ва деҳқончиликнинг равнақ топишига ул зотнинг имкон яратганликларини таъкидлайди ва уларнинг номини санаб ўтади. Испания элчиси Клавихо Самарқандда ноннинг ниҳоятда арзон, гуручнинг мўл-кўл бўлганидан гувоҳлик беради ва «Ҳар куни шаҳарга қовун ортилган туялар шунчалар кўп келадики, уларнинг қандай сотилиши ва қандай истеъмолчиларга етиб боришига ақлинг бовар қилмайди», — деб ёзади.

Турли-туман ширин меваларнинг қуритилгани — анжир қоқи, қовун қоқи, олма қоқи, туршак, майиз, бодом ва писта жаҳон бозорида машҳур бўлган.

Зироаткорликдаги ва боғдорчилик, галлачилик ва чорвачиликдаги ютуқлар ҳазрати Соҳибқироннинг адолатли иқтисодий сиёсати мевалари эди.

Ҳазрати Соҳибқироннинг одил ижтимоий-иқтисодий сиёсати «Амир Темур тузуклари»да ўз ифодасини топган. Амир Темур ўз фарзандлари, набиралари учун давлат ва салтанатни бошқариш хусусида тузуклар тузди. Токи, «Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга стадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай». «Мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим... Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар:

1) Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига ривож бердим.

2) Ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатни идора қилдим.

3) Маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик билан иш тутдим.

4) Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, разият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади.

5) Амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, зару зеварлар билан хушнуд этдим.

6) Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Адолат ва инсоф билан барчани ўзимдан рози қилдим.

7) Саййид, уламо, машойих, оқилу донолар, муқаддас, хабарчиларни эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим.

8) Азму жазм билан иш тутдим... Олам Атодан... ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатиларидан намуна олиб, унга амал қилдим.., давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим.

9) Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улусларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим... Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушларини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни ёзиб, менга билдириб туриши учун диёнатли, тўғри қаламли кишилардан воқеанавислар белгиладим.

10) Турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улусларига ҳурмат кўрсатдим.

11) Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату нсъмат мартабасига эришганимда унутмадим.

12) Дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар.»

«Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим».

Салтанат корхонаси тузуклари: салтанат ишларини қонун-қоидалар, тўра ва тузукка солиб, унинг мартабаларини мустаҳкамладим. Салтанат мартабалари тузукини қуйидагиларга таяниб туздим:

1. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладим, ки салтанатим ишларига аралашиб, зиён стказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

2. Дўсту душманни муросаю мадора мартабасида тутдим. Дўстларга шундай муомала қилдим, ки дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдим, ки уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

3. Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

4. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур муфсидларни бартараф қилиб, муртадларнинг илдизини қуритди, зиногарларни бўғдириб, ўғриларни салиб этдирди, ки ниҳоят унинг фикрича, сиёсат ишлари мустақим ва риёсат қоидалари қонунга мувофиқ бўлди (304-бет).

«Тузуклар»да вазирлар ҳақида уларнинг етти нафардан иборат бўлгани айтилади:

1. Мамлакат ва раият вазири.
2. Сипоҳ вазири.
3. Эгасиз молу мулкни тасарруф этувчи, мерос ишлари билан шуғулланувчи вазир.
4. Салтанат ишларини юритувчи вазир.

Қолган уч нафар вазир давлат ҳайъати — Холисани ташкил этган ва сарҳадлар ва ҳукмдорга тобе мамлакатларга оид ишларга масъул ҳисобланган. Улар мазкур ерлардаги молиявий муомалаларни ва келадиган даромадларни бошқарганлар.

Холиса зиммасига яна қуйидаги вазифалар юклатилган. Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, обод қолган, эгасиз бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар, керакли нарсалар берган, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурган, бузилган кўприкларни тузатган, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар қурган, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қурган. Савдо карвонлари хавфсизлигини таъминлаган, ҳар бир шаҳар, қишлоқда мадраса, масжид, хонақоҳлар бино қилган, фақиру мискинлар учун лангархона, касалхоналар қуриб, табиблар тайинлаган, ҳар бир шаҳарда доруламорад (ҳукмдор саройи) ва доруладолат (қозихона) қурган, раиятни ва зироатни қўриқловчи қўрчилар тайинлаган...

Холиса ҳайъати ихтиёрига олинган ерлар подшоҳликники ҳисобланиб, кейинчалик мулки ҳурри холис номини олган.

Амирларга тиюл ана шу ерлар ҳисобидан берилган.

Хирож мол тариқасида (ҳосилдан ҳисса) ва пул билан олинган.

Ер эгалигининг суюрғол шакли иқтисоди мустақил бўлган. Хазинага хирож тўланган. Суюрғол мерос қолдирилмоғи лозим бўлганда марказий ҳукуматдан ҳужжат олиш керак бўлган.

Тархон ерлари тўққиз авлодгача меросий бўлган ва даромадидан хазинага хирож тўланмаган.

Амир Темур даврида яйлов ва токзорлар кўринишидаги жамоат ерлари ҳам мавжуд бўлган.

Вақф ерлари садрлар қўлида бўлган. Мутаваллиларни садр тайинлаган.

Лозим бўлганда ҳашар-бегор мажбурияти, алоқа воситаси тарзида улоғ олиш ҳодисасини кўриш мумкин бўлган.

«Вилоятлардан тушган даромадни ушбу йўсинда тақсимлашни буюрдим: вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жамъи даромадни тақсимлаб, маош берсин ёрлиқларига бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёзсинлар!»

Амиру амирул-умароларга сарҳад ерлардаги вилоятлардан бири тиюл қилиб берилсин, дейилади. Тиюл эгаси жигирдор дейилган. Тиюл қилиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир бериб, бири йиғилган молларни ёзиб, раият аҳволини такшириб турган, ки жигирдор фуқарога жабр-зулм қилмагай. У вилоятдан йиғилган молни кирим дафтарига ёзиб борган. Иккинчи вазир даромаднинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзади ва сипоҳийлар маошига тақсим қилади.

Амиру мингбошилар раиятдан моли жиҳод йиққанларида, хирождан ортиқча соварий, қўналга ва ишлон талаб қилмаганлар.

«Тузуклар» бўйича кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига қолдирилган.

«Амр этдим, ки раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак», — дейилади «Тузуклар»да. Зеро мамлакат ободлиги раият фаолиятига боғлиқдир.

Ким, ки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса ёки бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч бир нарса олмаганлар. Иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олганлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига хирож ундирилган.

«Амир Темур тузуклари»да таъкидланишича, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилган.

Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилган.

Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини стказиб бериб, унга ёрдам берилган.

«Яна амр қилдимки, узоқ-яқиндан бирон киши келиб, менинг мажлисимга кирар экан, қайси тоифадан бўлса ҳам, давлатим дастурхони нсъматидан уни қуруқ қайтармасинлар...» «Ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчаси тамғаланснинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар».

Мазкур ижтимоий муносабатлар ҳунармандчилик равнақига йўл очди: қуролсозлик, қоғозсозлик, ойнасозлик, кошипазлик, дурадгорлик, заргарлик, тўқимачилик корхоналари қурилди.

Амир Темур Олтин Ўрда орқали ўта бошлаган карвон йўлини қадимги изига қайтариш учун замин яратдилар: «Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладим, улар қасрга боришмасин— Хитой, Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндустон, араб мамлакатлари: Миср, Шом, Рум, Жазойир, Фарангистон, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб туҳфаларидан келтирсинлар».

Карвон йўлларида карвонсаройлар, сардобалар қурилди. Самарқанднинг Оҳанин дарвозасидан жануби-ғарбга қараб катта кўча қурилди. Кўчанинг ҳар икки четида қатор қилиб икки қаватли дўкону расталар бунёд этилди. Мамлакат сарҳадларида ҳам шундай бозору тимлар қурилган.

Савдо қонун-қоидаларини бузганлар шафқатсизларча жазоланганлар.

Хуллас, Амир Темурнинг юрт ободлиги ва фаровонлиги учун қайғуришлари, илм-фанга ҳомийлик қилишлари, адолатли ижтимоий сиёсатлари натижасида мамлакат обод, халқ тинч ва тўқ яшаши учун имкон яратилди; илм-фан соҳасида мислсиз кашфиётлар қилинди. Ҳазрати Соҳибқироннинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсати келажак соғлом авлодимиз учун ҳам ибрат бўларлидир.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Тарих ва тақдир

ФИТРАТ БИЛАН ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ИСЛОҲОТ ДАСТУРЛАРИ

Мавлоно Абдурауф Фитрат (1886-1939) билан давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев (1896-1938)лар ҳақида гап кетганда ҳар бир иймони бут зиёли ҳаёл дарёсига чўмиши табиий.

Абдурауф Фитрат ҳам, Файзулла Хўжаев ҳам Бухорои шарифда таваллуд топганлар, иккиси ҳам илк маълумотни Бухорода олдилар. Кейин улар ўз билимларини ошириш, дунёқарашларини устириш ниятида хориж мамлакатларида таҳсил кўрдилар. Профессор Фитрат биринчилардан бўлиб қўшни Туркия мамлакатидаги машҳур Истанбул доруллфунунида таҳсил олди. Бухоронинг энг бой савдогарларидан бўлмиш — Убайдуллохўжанинг ёлғиз ўғли Файзулла Хўжа эса Россиянинг саноат шаҳарларидан бири ҳисобланмиш Москва шаҳрида (1907-1912) таълим-тарбия кўрди.

Халқимиз маънавий оламининг бу ёруғ юлдузлари бўлмиш Фитрат ва Файзулла Хўжалар XIX аср охирлари XX аср бошларида бутун Туркистон диёрида ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга келган жадидчилик ҳаракатига қўшилдилар. Ва улар тез вақт ичида Мовароуннаҳрда жадидлар, кейинчалик ёш бухороликлар ва ёш бухоролик инқилобчилар партиясининг кўзга кўринган ташкилотчиларидан, раҳбарларидан бири сифатида элга танилдилар.

Улар Бухорои шарифда ва бутун Туркистон ўлкасида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш йўлида бош қотирдилар. Ўз даврининг энг илғор, маърифатпарвар сиймолари

сифатида Фитрат, Файзулла Хўжалар ва уларнинг замондошлари: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Бурхонов (Мунзим), Ота Хўжаев, Муинжон Аминов, Муаммир Бурхонов, Юсуфзода Абдураимов, Қори Йўлдош Пулатов, Раҳмат Рафиқ каби ўнлаб маърифат дарғалари энг аввало меҳнаткаш халқ турмушини яхшилаш, уларга илм-маърифат бериш тарафдори бўлганлар.

Абдурауф Фитрат билан Файзулла Хўжалар, айниқса, давлатчилик соҳасидаги янги фикрлари билан ажралиб турадилар. Озодлик ва истиқлол йўлида толмас курашчи бу устоз-шогирдлар Бухорода бир қадар адолатли (демократик) ҳукумат тузиш ниятида ўз дастурларини ишлаб чиқдилар.

1917-1919 йиллар орасида Фитрат ўзининг меҳнаткаш халқ манфаатларига мос келувчи дастурини ишлаб чиқиб, уни ёш бухоролик инқилобчилар марказий комитетига (унинг раҳбари Файзулла Хўжаев эди) беради. Ислоҳотчи сиймо Фитратнинг мамлакатни ислоҳ қилиш дастури лойиҳаси 10 дан ортиқ банддан иборат бўлиб, лойиҳада давлатнинг ташкилий тизими, яъни идора қилишда армия, миллий пул, хусусий мулк эгалиги, вақфлар, дин эркинлиги алоҳида эътиборга олинган. (Фитратнинг) ёш бухоролик инқилобчилар марказий комитети муҳокамасидан ўтган ислоҳот дастури лойиҳасини биз 1994-1995 йилларда «Ҳаёт ва иқтисод» ойномасида эълон қилишга муваффақ бўлдик).

Фитратнинг умидли шогирди, маслаҳатдош дусти, давлат ва жамоат арбоби ҳамда армия қўмондони Файзулла Хўжаев ҳам Бухорода янги тузум дастурини ишлаб чиққан эди. Бу дастур (1920 йилга қадар тузилган): — Бухоро мустақиллиги учун курашишни ташкил қилиш ва озод давлатнинг ташкилий тизимларида қонунларга қура, бирор бир шахсни миллатига, динига, ирқига қараб ажратмаслик.

— Шунингдек, ҳар бир фуқаро эркин, узига еққан касб-ҳунар ва фаолият билан бемалол шуғулланиши ва ҳоказо масалалардан иборат.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, устоз-шогирдлар томонидан ишлаб чиқилган янги давлат тузуми лойиҳаси бир-биридан жуда оз фарқланади. Ҳар иккала лойиҳа тизими юрт ҳимояси, фуқаролар тинчлигига қаратилгандир.

Фитрат, Файзулла Хўжаев ва унинг ғоядош замондошлари рус инқилобига, босқинчилик инқилоби замирида тузилган тоталитар совет тузумига қарши эдилар.

Фитрат ва Файзулла Хўжаевлар Бухорода амирлик салтанатига қарши яширин ва ошкора кураш олиб борувчиларнинг яловбардорлари бўлдилар. 1917 йил февраль рус буржуа инқилобидан кейин Бухоро жадидлари Беҳбудий, Фитрат, Файзулла Хўжалар раҳбарлигида (1917 йилнинг баҳорида) амирга қарши ислоҳот талаби билан майдонга чиқдилар. Лекин Бухоро амирлигининг сунгги ҳукмдори Сайид Олимхон жадидларга қақшатқич зарба берди. Ислоҳот талаби билан Регистон — Арк майдонига чиққан жамики жадидлар, илғор ғояли маърифатпарварлар— зиёлилар, косиблар амир ғазабига учрадилар. Амир миршаблари жазосидан Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Мунзимлар аранг қочиб қутилдилар. Лекин улар қасрда бўлмасин, қайси шароитда яшамасин, амирлик тузумига қарши курашни сусайтирмадилар.

Бухоро амирини йиқитишга кучи етмагач, жадидлар, ёш бухороликлар ва унинг раҳбари Файзулла Хўжаев Туркистонда зўрлик билан «инқилоб» ясаган большевиклар бошлиғи — Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг бошлиғи Ф. Колесовдан ёрдам сўрайди. Большевик Ф. Колесов бошчилигидаги 500 дан зиёд қизил гвардиячилар ва Файзулла Хўжаев бошлиқ ёш бухороликлар амир салтанатига қарши (1918 йилнинг баҳорида) ҳужумга ўтадилар. Лекин большевик босмачиларнинг бу қонли юриши қаттиқ зарбага учрайди. Амир ғазабига учраган большевиклар ва ёш бухоролик инқилобчилар қирғин қилинди. Бухоролик маърифатпарвар жадидлар икки ўт орасида қоладилар. Уларни бир томондан амир ва унинг амалдорлари қувғин, тақибга олган бўлса, иккинчи тарафдан қизил гвардиячи большевиклар жадидларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш ҳаракатида бўладилар.

«Колесов воқеаси» даврида мингминглаб бегуноҳ жадидлар ва уларнинг оилалари, қариндош-уруғлари амир жаллодлари ҳамда босқинчи большевиклар томонидан қирғинбарот қилингани тарих саҳифаларида ёзиб қолдирилган. Ф. Хўжаевнинг уйи тинтув қилиниб, оиладаги отамерос жамғарма бойликлар амир ва унинг амалдорлари томонидан талон-тарож қилинган. Фитрат ва Ф. Хўжаевлар амир томонидан қувғин қилинган, улар сиртдан ўлимга ҳукм этилганлар.

Бухородаги бу қонли фожеадан сўнг жадидлар, ёш бухороликлар партияси аъзолари анор доналаридек ҳар томон сочилиб кетдилар. Фитрат Тошкентда 1918 йилдан фаолият курсата бошлаган Бухоро компартиясига аъзо бўлиб кирди.

Ф. Хўжаев эса ёш бухоролик инқилобчилар сафида қолиб, Москвага В. Ленин олдига йўл олади. У Оренбург шаҳрида оқ гвардиячи Дутовчилар қўлига тушиб қамалади ва отиб ўлдиришга ҳукм этилади. Бироқ Файзулла Хўжа дўстлари ёрдамида оқ гвардиячилар қамоқхонасидан қочишга муваффақ бўлади. Москвада у Я. М. Свердлов билан учрашади. Ёш бухороликларнинг ўзи тузган амирга қарши кураш дастурини большевиклар партияси Марказий Комитетига ҳавола этади. Қизил империянинг бошлиқлари Ф. Хўжаев томонидан тузилган дастурдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қарор қиладилар. Большевиклар М. Фрунзе бошлиқ қизил қўшини ёрдамида амирликни йиқитиб, ҳокимиятни ғуё меҳнаткаш халқ қўлига олиб беришга ваъда берадилар.

М. Фрунзе ва В. Куйбишев бошлиқ босқинчи қизил гвардиячилар 1920 йил 2 сентябрда зўрлик ва қурол кучи билан Бухорода «инқилоб» ясадилар. Босқинчилар қадимий Бухорони тўпга тутдилар. Осмондан 11 та самолётда ҳар бири 7-8 пудлик бомбалар ташладилар. Ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан, ҳар қандай қотилликдан қайтмайдиган империалистлар Бухорони вайрон қилиб, амирлик мулкини талон-тарож қилдилар. Босқинчи М. Фрунзе, В. Куйбишевлар топшириғи билан бутун Бухоро мулки— амирликнинг олтинлари, кумуш-дуру, жавоҳирлари ва барча нодир бойликлар Москвага ташиб кетилди. Большевиклар найрангига алданган жадидлар, ёш бухоролик инқилобчилар ва барча илғор ғояли сиймолар бармоқ тишлашиб қолдилар. Юртнинг асл фарзандлари, озодлик ва истиқлол курашчилари юрагида олам-олам армон қолди...

Большевикларнинг, «Сизларга озодлик, ҳуррият берамиз, сизлар ўз мамлакатларингизни ўзларингиз бошқарасизлар, динга даҳлсизлик, деҳқон ўз ерига, ишчи ўз завод, фабрикасига эга бўлади», деган ваъдалари сароб бўлиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Фармонига қўра адиб, шоир ва драматург, адабиётшунос ва шарқшунос олим, ажойиб инсон Абдурауф Фитратнинг 110 йиллиги, улкан давлат ва жамоат арбоби, машҳур тарихчи олим, оташин публицист, зукко сиёсатшунос, армия генерали — командорм Файзулла Хўжаев таваллудининг юз йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу юбилейлар юртимиз мустақиллигининг 5 йиллиги тантаналарига уланиб кетади.

Мажид ҲАСАНИЙ,
ёзувчи ва журналист.

Амир Темурнинг 660 йиллигига

ЗАКОВАТ НУҚРАЛАРИ

ёки профессор Мусажон Саиджонов илмий меросига баъзи қайдлар

«Бизнинг ҳокимиятимиз ва улуғлигимизга ишонмасанг, иморатимизга қара». Оқсарой пештоқидаги бу қўйма жумлаларни тарихий-илмий адабиётга биринчи бўлиб қайд этган олим Мусажон Саиджоновдир. У 1935-36 йилларда мана шу қутлуғ ва муқаддас даргоҳда археологик ишлар олиб борган ўзбек профессори эди. Олим шарқшуносларнинг III халқаро анжуманида (1935 йил) қатнашиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихида, миллий давлатчиликни равнақ топтиришда тутган ўрни ҳамда унинг авлодларидан ҳисобланган Кўчкинчихон даври ҳақидаги тадқиқотларини сўзлаб берди. «Тарихимизга, ҳаққоний Амир Темур тарихига билдирилган муносабатлари» учун М. Саиджонов орадан кўп ўтмай, 1937 йилда «учлик» домига тушиб, апрель ойида номаълум тарзда йўқ қилинди...

Машҳур, зукко тарихчи олимнинг ўғли— Улуғбек ака хонадонида бўлиб, «Биринчи ўзбек тарихчи профессори Мусажон Саиджонов ким бўлган? Ўзбекистон ва жаҳон тарихи фанига у ўзининг қандай ҳиссасини қўшган?» сингари саволларга жавоб топмоқчи бўлдим. Айниқса, профессорнинг Амир Темур ва ўша давр тарихий обидаларини чуқур ҳамда мужассам ўрганганлари мени лол қолдирганди.

— Дадамни 1937 йилнинг, октябрь ойида қатл қилишган. Сабабини мен ўнлаб, юзлаб мурожаат қилганимдан кейин билдим. Сўраб-суриштиришим асосан 1956 йилдан, орадан 20 йил ўтгандан кейин бошланди ва «отангиз ўн йилга қамалган» деган битта жумла билан жавоб олар эдим, — дея ўкинч билан эслайди етмиш ёшли Улуғбек ака. — Фақат 1963 йилда дадамни оқладилар. Бу ҳақдаги хабарни Вилоятхон Хўжаева — Файзулла Хўжаевнинг қизи билан йиғлаб қарши олдик.

Улуғбек ака бир чамадон ҳужжат — қўлёзмаларни менинг олдимга олиб келиб қўйди. Суҳбатимизга Бухоро вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти директори Шариф Солиев қўшилди.

— Эҳ-ҳе, шунчалик тарихий хазина нашр қилинмай ётиптими? — деди у. — Мен йирик, атоқли тарихчи Мусажон ака Саиджонов ҳақида жуда кўп эшитган эдим. Ҳозир ҳужжат-қўлёзмаларни кўриб, ақлим шошиб қолди!

Мусажон ака Саиджонов 1893 йилда Бухорода савдогар оиласида туғилади. Ўрта маълумот олгандан кейин Мирараб мадрасасида атоқли ёзувчи С. Айний билан бирга таълим олади. У «Ёш бухороликлар» гуруҳи аъзоси сифатида Когонда рус-тузем мактабини ҳам битиради. Мусажон ака араб, форс, тожик, ўзбек, турк ва рус тилларини мукаммал ўрганган, у бу тилларда ҳам ўқир ва ёза оларди.

Дастлаб Бухорода «Маърифат» кутубхонасида директор ва Тошкент, Ҳўжанд ҳамда Самарқанд шаҳарларида она тили ва адабиёт, тарих, география фанларидан дарс беради. 1920—1925 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасида юқори лавозимларда ва сўнгги йилларда халқ таълими нозири бўлиб хизмат қилди.

Профессорнинг илмий-тарихий фаолияти Самарқанд тарихий архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва ўрганиш бўйича қўмита (Самкомистарис) раиси бўлиб ишлаётганда янада самарали бўлди. У тарих ва география фанлари учун бой оригинал материалларни илмий жараёнга олиб кирди. Чунончи Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Нурота каби шаҳарларда археологик ишлар олиб борди.

Олим илмий фаолиятининг кўпгина томонлари Соҳибқирон Амир Темур тарихи билан боғлиқ эканлигини кузатамиз. У илк марта Темурийлар даврида жаҳон архитектурасининг ансамбль анъаналари юзага келиб, ниҳоят даражада равнақ топганлигини қайд этади. Бу ўша 30-йилларда ўзбек олими томонидан дадил айтилган кашфиёт эди. Бироқ 1934 йил Комфирқанинг XVII съезди тарихга, умуман, ижтимоий-гуманитар фанларга «Қисқача курс»ни олиб кирди-ю, бундай ҳаққоний қарашларга чек қўйилди. Тарихимиз, фанимиз, маорифимиздаги миллий ривожланиш ўрнига умумий, «Бутуниттифоқ қозони» пайдо бўлдики, оқибатини кўриб турибмиз...

Профессор Мусажон Саиджонов йирик ташкилотчи ва моҳир раҳбар ҳам эди. У Абу Али ибн Сино номли кутубхона, Давлат музейи (ҳозирги пайтда Акмал Икромов номли республика маданий ёдгорликлар ва санъат музейи)нинг ташкилотчиларидан эди. Шунингдек, у Амир Темур бюгларини (улар 12 та бўлган) тиклаш учун жуда кўп саъй-ҳаракатлар қилган биринчи қадимшунос олим эди.

Улуғбек ака дадалари ҳақида ҳикоя қилар экан, шундай бир воқеани эсладилар:

— Отадан беш фарзанд эдик. Бирор марта бизларни қойиганларини билмайман. Иш жойлари идора ва уй бўлиб, соат кечки 6 ларда келиб, биз болалар билан ниҳоятда ширинсуҳанлик ила: «Дарс тайёрта қаттиқ гапириб, педагогикага зид иш қилмадилар. Фақат менга секин, майин овозда: «Сен, болам, аканга ёрдам бер», —деб қўярдилар. Уйимизга тез-тез С. Айний, А. Фитрат, Ф. Хўжаев, М. Е. Массон, В. Л. Вяткин келиб тарихимиз, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида қизғин, баҳсли суҳбатлар қилишарди. Мен ва кичик укам Салимжон улар ардоғида, эркалатишларида бўлардик. Дадамнинг гапларини улар синчковлик билан тинглашар ҳамда ҳар сафар: «Фикрларингиз тўғри, манбаларни тўғри талқин қиляпсиз, яна муваффақиятлар тилаймиз», дейишарди...

Юқоридаги гаплар ўғлининг отаси тўғрисидаги шунчаки эсдаликлари эмас эди. Унинг асоси — ота ҳаёти ва ижодига доир катта бир жомадан манба-ҳужжатлар! Улар рўйхатини ва қайдларимни сиз муҳтарам муштарийларга ҳам ҳавола қиламан:

— XIV асрга оид муҳим ҳужжат— Шайх Сайфуддин Бохарзийнинг мақбараси ҳақида вақфнома.

— Кўксарой тарихи. Бу тўғрида олим биринчи бўлиб муфассал маълумот берган.

— Оқсарой тарихи ҳақидаги илмий изланишлар. Бу алоҳида аҳамиятга молик тадқиқот баёнидир.

— Амир Темурнинг ўн икки бюгига берилган тасниф. Булар ўзининг тарихийлиги, конкретлилиги билан ажралиб туради.

— Шайбонийхон мадрасаси ҳаққидаги тиниқ-аниқ маълумотлар. Бу тарихий ҳужжатда «Қизил бошлилар» (12 туркман қабиласи) тўғрисида қизиқарли воқеалар жараёни баён қилинган.

— Самарқанд меъморий ёдномалари. Бу қўлёзмада профессор биринчи бўлиб Амир Темурнинг қурувчиликдаги муваффақиятлари — ансамбль ҳақида тўла тасвир қилинган илмий хулосалар баён этган.

— «Чил духтарон» («Қирқ қиз») мақбараси тарихи. Кўчкинчихон Мовароуннаҳрда хонлик вақтида (1512—1531 йиллар) қурилган обида хусусида маълумотлар.

— «Ишратхона» мақбараси — Темурий султонлардан Абу Саиднинг қизи Ҳованд Султон беканинг қабри устига қурилган гўзал мақбара тарихи хусусида қайдлар.

— «Шаҳрисабз меъморий ёдномалари тарихи». Бу рисола ўзининг аниқ ҳужжатлар асосида ёзилгани билан ажралиб туради.

— Петербург подшолари билан амир ва хонлар ёзишмалари ҳам XVI—XIX асрлар тарихини тиклашда катта манба бўлади.

Юқорида профессор М. Саиджоновнинг ўнта тарихий-илмий асарининг номланишини келтирдик, холос. Рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Шу ўринда Оқсарой ҳақида гап кетар экан, Амир Темур шахсини улуғлаш, абадийлаштириш учун, унинг «дунёнинг бирдан-бир ҳокими» бўлишга лойиқ эканлигини исботлашга қаратилгандир. Аммо XVII аср охирига келиб машҳур Оқсаройнинг фақат пештоқигина қолган, холос. Самарқандлик тарихчи ва шоир Муҳаммад Бадиий ибн Муҳаммад Шариф Малиҳо 1692 йилда қуйидагиларни ёзади: «Амир Темурнинг Шаҳрисабзда қурган биноларидан бири давлат саройидан қолган жиловхонанинг пештоқи бўлиб, Темурнинг улуғлиги ва шавкатига очиқ ҳужжатдирким, (бу бино) Оқсарой деб аталади».

1403—1404 йиллари Мовароуннаҳрга келган ва Шаҳрисабзга борган Испания элчиси Клавихо Оқсаройни шундай таъриф қилади: «Ғарб томонидаги буюк ва баланд гумбазнинг кўриниши жуда маҳобатли эди» (1 Малиҳо «Музакир алаҳбоб» қўлёзма, 345-бет).

М. Саиджонов 1935—1936 йилларда Оқсарой харобасида самарали археологик ишлар олиб боради. У қазиш ишлари ўтказишдан аввал ёзма манбаларда ва илмий адабиётда Шаҳрисабз тарихига доир маълумотларни чуқур ўрганди. Маълум бўлишича, у кўриб чиққан ёзма манбалар ва тарихий адабиётларнинг биронтасида Оқсарой архитектураси тўла акс эттирилмаган. Тарих фани учун ниҳоят муҳим бу вазифа М. Саиджонов томонидан бажарилди.

Археологик қазишмалар натижасида профессор М. Саиджонов Оқсарой лойиҳасини тиклашга муяссар бўлди. У Оқсаройнинг харобаси остида қолиб кетган ёзувларни тўлалигича ўқиди. Натижада олим бу маҳобатли иншоотни қуришда фақат Хоразм ва Ироқдан келтирилган усталаргина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа мамлакатларидан келтирилган усталарнинг ҳам ишлаганини аниқлади. Масалан, Оқсарой пештоқларидан бирига қуйидаги хат битилган: «Амали абди ал заиф ал муҳтож ило раҳматуллоҳи таоло... Муҳаммад Юсуфхон ат Табризи», яъни «Оллоҳ таолонинг кучсиз қули ва унинг раҳматига муҳтож бўлган табризли Муҳаммад Юсуфхон ат Табризи» деб ёзилган.

М. Саиджоновнинг қуйидаги илмий хулосаси, айниқса, муҳимдир: «

Фарғонада ижодкор ўқитувчиларнинг V кенгаши бўлиб ўтди

(Боши 1-бетда).

дур, пусти қизил, асо қилурлар, қамчи дастаси ҳам қилурлар, қушларга қафас қилурлар, тарош қилиб тиргаз қилурлар, хейли яхши йиғочдир. Табарруклик била йироқ ерларга элтарлар».

Фарғона диёрига ташриф буюрган ижодкор муаллимларимиз «тобулғу йиғочи» каби бир ҳисни қунгилларига тугиб, «табарруклик била йироқ ерларга», ўз элларига олиб кетдилар. Бу ҳис — меҳр ҳисси эди. «Биз, — дея таъкид этди Халқ таълими вазири Жўра ЙЎЛДОШЕВ, — бу ерда энг катта галабага эришдик — бир-биримизга меҳр улашдик». Фарғонанинг суюкли фарзанди, шоир Йўлдош СУЛАЙМОН билдирган жўшқин фикрлар ҳам айни гапларга монанд бўлди: «Фарғона — бу муҳаббат, демак. Тарихчилар Фарғона сўзини ҳар хил шарҳлайверсинлар, майлига. Биз учун Фарғона — муҳаббат, инсонларнинг инсонларга бўлган муҳаббатидир».

ЖИЛҒАЛАР ЖИЛВАСИ

Ўтган анжуманлар натижаси беиз кетмади. Тўрт йил ичида 400 нафардан зиёд ижодкор ўқитувчилар кашф этилди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлдилар. Китоблари нашр этилди. Бир қанчаси республика Халқ таълими вазирлигининг «Ижодкор ўқитувчи» нишонига сазовор бўлишди.

Агар адабиётни бир дарё деб тасаввур қиладиган бўлсак, бу дарёнинг улуғворлиги, яшовчанлиги унга қуйиладиган жилғалар жўшқинлигидандир. Фарғонада бўлиб ўтган анжуман ана шундай янги-янги жилғаларни кашф этди, десак муболаға бўлмас.

МУҲАББАТ ВОДИЙСИДА

Ушбу анжуманда қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидан ҳам халқ таълими вакиллари иштирок этишди.

Таниқли адабиётчилар: Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Дадахон Нурий, Икром Отамурод, Эркин Маликов, Муҳаммад Салом, Собир Унар, Рустам Мусурмон, Исмоил Маҳмуд, Охунжон Ҳакимов, Тўлан Низомлар ўқитувчилар ижоди билан танишиб чиқишди. Танишув натижалари назм, наср ва публицистика шўъбаларида чуқур таҳлиллар билан очиб берилди.

Айтиш мумкинки, ижодкор ўқитувчиларнинг галдаги анжумани адабиётимизга Даврон Султон, Моҳигул Ўктам қизи, Мўмин Аваз, Матлуба Самадова, Инобат Қучқорова, Сайёра Мамадиева, Яйра Халилова, Исмоил Оллоберганов, Ҳавасхон Шокирова, Собир Жаббор каби янги номларни туҳфа этди. Асарлари яхши деб эътироф этилган 17 нафар қатнашчига Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ижодкор ўқитувчи» нишони бериладиган бўлди.

Дарвоқе, бу йилдан бошлаб яна бир хайрли ишга қўл урилади — Халқ таълими вазирлиги анжумандан эсдалик сифатида, қатнашчиларнинг саралланган асарларини яхлит тўплам сифатида мунтазам нашр этишни йўлга қўймоқчи.

ТАНИШУВ ВА ТААССУРОТ

Ижодкор ўқитувчилар меҳр ва муҳаббат водийси — Фарғонада фақаттина мушоиралар ёки ижодий мулоқотлар ўтказиш билангина чекланиб қолишмади. Улар вилоятнинг диққатга сазовор жойларини, илғор мактабларини бориб кўрдилар. Риштондаги 29-мактаб, Боғдод туманидаги 20-мактаб, Қўқондаги 22-боғча-гимназия, Учқўприк туманидаги 20-мактаб ва 21-ҳунар билим юрти, Фарғона туманидаги 46-мактаб, Қувасой шаҳридаги 14-гимназия мактаби, Фарғона шаҳридаги 1-мактаб ва «Шодлик» гимназияси, Марғилон шаҳридаги «Истиқбол» гимназияси ҳамда «Меҳрибонлик уйи» фаолиятлари билан танишган меҳмонлар чуқур таассурот олганликларини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мазкур билим даргоҳларининг барчасида ҳам таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган экан. Ҳар бир мактабда алоҳида спорт заллари, сузиш бассейнлари қурилган. Ҳовлилар, синф хоналари шинам ва озода. Синфлар ўқувчилар руҳига ором бериши мўлжалланган гуллар ва манзарали суратлар билан безатилган. Мактабларнинг ҳаммасида компьютер хоналари мавжуд. Шунингдек, боғча ва гимназиялар ҳам ушмундай шароитдан мосуво эмас.

Бу билим даргоҳларининг барчаси ҳам, ҳали ўқиш якунланмай туриб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилибди. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Фарғона вилоятининг кўпгина мактабларида таълим қирғиз ва тожик тилларида олиб борилади. Қувончли жиҳати эса, бу мактабларни битириб чиқаётган ёшлар ўз билим даражалари билан тожикистонлик ёки қирғизистонлик тенгдошларидан асло ортда қолаётганлари йўқ.

Ижодкорлар Қувасой шаҳридаги «Чинни буюмлари» заводи ва Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти фаолиятлари билан ҳам танишдилар. Қўқондаги Худоёрхон Аркини зиёрат қилиш ва Қува туманидаги Каркидон ўқитувчилар оромгоҳида, Шохмардон ва Водилда ўтказилган учрашувлар ҳам меҳмонларга олам-олам завқ бағишлади. Улар чуқур ҳаяжон билан мезбонларга ўз ташаккурларини изҳор этдилар.

ҲАҚИҚИЙ ИБРАТ

Ижодкор ўқитувчилар Қувасойдаги Волик қишлоғида жойлашган, юртбошимиз назарига тушган Мухтор ҳожи Маҳмудов номидаги 2-гимназия мактабида бўлиб, чуқур ҳаяжонга тушдилар. Барча замон талабларига жавоб бера оладиган бу мактабни шу ерлик тадбиркор инсон Набижон Маҳмудов ўз маблағи эвазига қурган. Бундай саховатни кўрганмисиз? Мактабларга бирор нарса туҳфа этаётган ёки мактабларни таъмирлаб бераётган маърифатпарварларимиз бор, кўп. Лекин, қишлогига бутун бошли мактаб қуриб берган инсонлар, ҳозирча мамлакатимизда бармоқ билан санарли. Шулардан бири — «Имкон — ЛТД» фирмаси раҳбари Набижон Маҳмудовдир. Набижон ака ўзининг ана шундай ҳиммати туфайли Халқ таълими вазирлиги таъсис этган «Таълим ҳомийси» мукофотининг республикадаги илк совриндоридир.

Мактаб билан танишиб, қўнглингиз қувончга тўлади. Бу қувонч, айниқса, мактаб аҳли — ўқитувчилару ўқувчиларнинг юз-кўзларида, ҳаракатларида баралла акс этади. «Битган уйни тутишни ҳам билиш керак», — дейди халқимиз. Бу ерда таълим олаётган болалар ўз қадрдон мактабларини ниҳоятда қадрлашар ва ўзларига кўрсатилган ҳимматга жавобан фақат аъло ўқишга тиришар эканлар.

Мактаб билан яқиндан танишган меҳмонларнинг барчаси бир нарсани таъкидлашди: «Набижон Маҳмудов кўрсатган бу саховат — болаларга бўлган самимий меҳрнинг ҳамда бугунги тадбиркор ва маърифатпарвар инсонларга кўрсатилган чинакам ибратнинг намунасидир.

МАОРИФИМИЗ ҲАЁТИДА БИРИНЧИ

Анжуман кунлари меҳмонлар яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлишди. Мамлакатимиз маорифида биринчи бўлиб, Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасининг «Устоз» телестудияси ишга тушди. Янги маърифий масканнинг очилиш маросимида Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирок этди.

«Устоз»ни ташкил этишда вилоят ҳокимлигининг моддий ёрдами ва Фарғона шаҳридаги «Олтин водий» телестудияси раҳбари Райҳонали Сафаровнинг саъй ҳаракатлари беқиёс бўлди. «Устоз» — енгил-елпи эмас, ҳамиша маънавиятли кўрсатувлар билан ўзини намоён этишни ният қилиб турибди.

***

Ижодкор ўқитувчиларнинг ушбу анжумани қатнашчилар қўнглига бир ажиб шеър каби қўйилди ва хотирада қолди.

Икром ИСКАНДАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.



Бу йўллар, кўп қадим йўллардир...

ПОЙИ ҚАДАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Фарғона вилояти Учқўприк тумани Илҳомжон Носиров номидаги 20-ўрта мактабнинг 9-»Б» синф ўқувчиси Шуҳрат Ориф (Шуҳратжон Тўпаев)нинг ижодкор ўқитувчиларга айтган «Қутлов»и:

Ассалом-алайкум азиз меҳмонлар,
Назм гулшанида сўзга бийронлар,
Бахт учун курашиб, ёнган инсонлар,
Пойи қадамингиз муборак бўлсин!

Қадим қардошларин бағрига босиб,
Фарғона кутади кенг бағрин очиб,
Ял-ял гунафшадан поёндоз сочиб,
Пойи қадамингиз муборак бўлсин!

Азалдан шоирга, шеърга парвона,
Не-не даҳоларни ўстирган она,
Бу кун табассумдан балқир Фарғона,
Пойи қадамингиз муборак бўлсин!

Келажакка, одил йўлга бошлайсиз,
Она халқ қаддига таянч бўлгайсиз,
Йиғлаган онлари қувонч бергайсиз,
Пойи қадамингиз муборак бўлсин!

Халқимиз ниҳоят таниди ҳаққин,
Туркистон кўтарди эзилган қаддин,
Қаранг, кетаётган карвоннинг шаҳтин,
Пойи қадамингиз муборак бўлсин!

Бол томар чеҳрангиз зиёга тўлсин!

ТЕРАКЛАР

Самолётдан тушдиму қишлоғимиз автобусига ўтирдим. Юрагимни ширин соғинч ҳиси қамраб олган. Ўқиш қийин, йўл узоқ. Шу сабабли салкам уч ойдан буён келганим йўқ.

— Холмат бувaнинг тераклари, — навбатдаги бекатни эълон қилади ёш ҳайдовчи. — Тушадиганлар борми?

— Бор, бор, — бир гала киши гур-р этиб ўрнидан қўзғалди. Улар қатори мен ҳам автобуснинг олдинги эшигига интилдим.

— Қизим, — гавдали бир йўловчи менга мурожаат этди. — Холмат бува тераклари деган жой шу экан-да?!

— Худди шу жой, амаки, — шошилиб жавоб бердим йўлимда давом этиб.

— Ўртоғимникига келаётгандим, — дея гапни давом эттирди йўловчи. — У менга йўлни шундай тушунтирган эди.

— Сиз бундан, автобус бекати Холмат бува номига қўйилган экан-да, деб ўйламанг. Одамлар ўзи шунақа одатланишган, — йўловчи амакига шуларни ўқтираману, беҳуд хаёлларга чўмаман. Йўл-йўлакай теракларга тикиламан. Баҳор шамоли япроқлар узра куй чалади. Қизиқ, бултур шу пайт келганимда бунақа эмас эди. Бир йилда шунча ўсиб, баланд бўлиб кетибди-я. Соясиям чакки эмас. Негадир, ҳар гал тераклар ёнидан ўтганимда уларнинг бақувват таналарига тикиларканман, оддийгина умр ўтказган, ана шу теракларни парваришлаган камсуқум, беозор қария —Холмат бува ёдимга тушади. Холмат бувани эсласам, яна бир воқеа ёдимга келади.

Ёз охирлари эди. Мен унда ҳали мактаб ўқувчиси эдим. Қишлоғимиз қўчалари бўйлаб қувур суви ўтказиладиган бўлди. Бу вақтда Холмат бувaнинг йўл ёқасига икки қатор қилиб экилган ёш ниҳолчалари энди бўй чўза бошлаганди. Тартиб билан ташланиб келаётган қувурларни жойлаштириш учун эса теракларни қўпориш мўлжалланди. Ҳамон эсимда, ер сургич трактор тераклардан 20-30 қадам нарида тўхтаб турарди. Раис енгил машинасидан савлат билан тушганча чолга яқинлашиб, унга жиддий ўқтира бошлади: — Энди Холмат бува, буларни бир ёқлик қилиб, трубаларни жойлаштирмасак бўлмайди. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Водопровод масаласи нозик иш...

— Бунга йўл қўймайман, — деди чол пинагини бузмай, теракларга тикилганча. — Буларни деб, мен биласанми, кечалари ухламайман-а!!!

— Ислом, қани бошла, — жаҳл билан бақирди раис ер сургич ҳайдовчисига, — кўпор бу терак-перакларни!

Чол кенг қулочини ёйганча ер сургич қаршисида туриб олди.

— Овунчоқларимга тегма деяпман! — Бирдан чол худди ёш боладек хўнг-хўнг йиғлаб юборди.

Ҳайдовчи йигит чидаб туролмади, кабинадан сакраб тушди-ю, чолни турғизиб қўйди. —Хотиржам бўлинг бува, теракларингиз шу ҳолича қолади...

Улар ниҳолларни четлаб ўтди-ю, ноқулай бўлса-да, йўл ёқасидан чапроққа қувур ётқизиб кетишди. Энди эса ана шу тераклар қад кўтариб турган жой, автобус бекати бўлди.

Бундан тўрт йил муқаддам Холмат бува кўз юмганда одамлар унинг тобутини бир лаҳза тераклари тагига қўйиб, сўнг олиб кетишибди. Тераклар эса йил сайин кўкка интилади. Шапалоқдек барглари сал шабадагаям маҳзун қўшиқ куйлай бошлашади.

Йўлда кетаётганимда беихтиёр икки бола суҳбати қулоғимга чалинади.

— Камол, сени кечқурун Холмат бува тераклари ёнида кутаман...

Башорат ОМОНОВА.
Қашқадарё вилояти.

ШУ КЎЗЛАР

Кўзлар...
Улар сабаб кашф этилган
Самодаги қанча юлдузлар.
Аниқланган ер остидан
барча бойликлар
Ва яна... Аммо шу кўзлар
Кўрмай ўтар баъзида
Оёқ остидаги чин ҳақиқатни.

Мунира КИМСАНОВА.
Тошкент вилояти.

***

Кўза кунда эмас,
кунида синади!
Кўза — Кунда эмас,
дар-ров синади.
Кунда Кўза эмаслигидан
кунда қисинади.

Баҳодир ОТАЖОНОВ.
Хоразм вилояти.

МОҲИМ МЕНИНГ, МОҲИРЎЙ

Моҳим менинг, моҳирўй,
Қайдасан-эй сарвбўй.
Олислаб кетар бўлсанг,
Кўзларимни боғлаб кўй.

Юзингни кўргим келди,
Сўзингга тўйгим келди.
Боқмасанг бир қайрилиб,
Кўзимни ўйгим келди.

Моҳирўй, менинг моҳим,
Зулфинг зар, ойқабоғим.
Умрим сўнггига қадар
Кўзимдаги сўроғим.

Кетдинг, йўлинг пойладим,
Ойимсан деб ойладим.
Ерга сиғмас дардимни
Осмонларга жойладим.

Моҳирўй, менинг моҳим,
Дунёдаги энг золим.
Ўзга гулинг олган кун,
Бўлсин қиёмат қойим.

Моҳим-эй, жон моҳирўй,
Олис кетма, сарвбўй.
Ҳоҳи суйгин, хоҳи сўй,
Кўзларимни боғлаб кўй...

Ҳавасхон ШОКИРОВА.
Фарғона вилояти.

ДИЛ ВА ТИЛЛА

(қатра)

Бадавлат хонадонга тушган келин қўлидаги тиллоларга қараб дили яйрайди...

Хамир қилаётганда унутган узукларини қайнонаси унга бераркан:

— Тилла кўрган уйдан чиқмагансиз-да, келинпошша, қадрини билмайсиз, — деб койиди.

Энди у узукларини тақмайди, тақса дили йиғлаб кўнмайди...

Сайёра МАМАДИЕВА.
Жиззах вилояти.

ҲАЁТ ЭМАС У

Дунё ташвишларини елкангдан олмаса гар,
Йўлларинг давомидан янги йўл солмаса гар,
Энг сўнгги дам ортингдан зор йиғлаб қолмаса гар,
Фарзандим бор демагил, фарзанд эмас у.

Чақинлар чақнамаса босган қадамларидан,
Узни ўтга урмаса ҳижрон аламларидан,
Оташ бўлиб қайтмаса шан висол дамларидан,
Ошиғим бор демагил, ошиқ эмас у.

Юракдан қалқимаса энг буюк орзулар ҳам,
Симобдай балқимаса бағри тош сулувлар ҳам,
Сархуш бўлиб юрмаса тинглаган оҳулар ҳам,
Қушиғим бор демагил, қушиқ эмас у.

Тенгдошлар қаторидан ўрин олиб кетмасанг,
Бу кураш майдонидан мағрур, ғолиб кетмасанг,
Минг-минглаб юракларда мангу қолиб кетмасанг,
Ҳаётим бор демагил, ҳаёт эмас у!

Мирза ҚАЙНАРОВ.
Сирдарё вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети университет қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номли лицей-интернат 1996-97 ўқув йили учун ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга республикамизнинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистон республикасидан ва Тошкент шаҳридан 8-синфни битирганлар 9-синфга, 9-синфни битирганлар 10-синфга қабул қилинади. Лицей-интернатга қабул қилинганлар 4 маҳал бепул иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланади. Лицей-интернатда қуйидаги синфлар мавжуд:

1. Математика
2. Физика
3. Иқтисодиёт
4. Химия
5. Биология

Ўқишга кирувчиларнинг ҳужжатлари 30 июнгача лицей биносида қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар боғичли папкада топширилиши лозим:

1. Лицей-интернат директори номига ариза.
2. 8-синфни битирганлик тўғрисида табель (9-синфни битирганлик ҳақида гувоҳнома). Табель ва гувоҳномада «3» баҳо бўлмаслиги лозим.
3. Соғлиги тўғрисида маълумотнома (086 форма) ва эмлаш картаси (063)
4. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси.
5. Турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан маълумотномалар.
6. 3х4 ўлчамли 6 та сурат.

Лицейга кирувчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат гимнини ёд билишлари, Гербимиз ва Байроғимиз тавсифини билишлари шарт. Ўқувчилар суҳбат, тест синовлари ва ёзма иш топширадилар.

1. Биология синфи учун — 2 июлда, химиядан тест, биологиядан ёзма имтиҳон.
2. Химия синфи учун — 3 июлда, биологиядан тест, химиядан ёзма имтиҳон.
3. Физика синфи учун — 4 июлда, математикадан тест, физикадан ёзма имтиҳон.
4. Иқтисодиёт синфи учун — 5 июлда, инглиз тилидан тест, математикадан ёзма имтиҳон.
5. Математика синфи учун — 6 июлда, физикадан тест, математикадан ёзма имтиҳон.

Имтиҳонлар кўрсатилган кунларда соат 9.00 дан бошланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 9-мавзе, 33-уй.
ТЕЛЕФОН: 78-86-49.
ТошДУ қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номли лицей-интернат.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1996 йил июнь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. ВЎМОИ раҳбар ходимлари кабинет ва кафедра мудирлари — ўзбек гуруҳи — 3-15.
2. Тошкент шаҳар ХТБ методист-назоратчилари (Фарғона) — ўзбек гуруҳи — 10-29.
3. ЧЁТ раҳбарлари — ўзбек гуруҳи — 3-29.
4. Бошланғич синф ўқитувчилари учун лотин ёзувидан мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 17-29.
5. Олий ва биринчи тоифали инглиз тили ўқитувчилари — аралаш гуруҳ — 10-15.
6. Олий ва биринчи тоифали рус тили ва адабиёти ўқитувчилари — рус гуруҳи — 3-26.
7. Янги дастур бўйича маърузачилар гуруҳи (тарих) — ўзбек гуруҳи — 3-15.
8. Кимё фанидан маърузачилар курси. — ўзбек гуруҳи — 17-29.
9. Янги дарслик ва қўлланма муҳокамаси (тарих) (Жиззах). — Ўзбек гуруҳи — 17-22.
10. Махсус мактабгача тарбия муассасаларининг мудирлари — ўзбек гуруҳи — 3-22.
11. Олий ва биринчи тоифали физика ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 3-29.
12. Болалар туризми бўйича инструкторлар (Ғиждувон). Ўзбек гуруҳи — 10-15.
13. ХТБ услубчилари ва назоратчилари (жисмоний тарбия). Ўзбек гуруҳи — 3-29.
14. Олий ва биринчи тоифали расм ва чизмачилик ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 3-15.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 3-8 июнь кунигача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри С.Раҳимов тумани Саидов кўчаси 6-уй Студентлар шаҳарчаси

Тел.: 46-06-62, 46-06-67.

Хуллас...

«НУР»ЛИ ЎЙИНЧОҚЛАР

Бошқирдистоннинг санитария назорат маркази Хитойда ишлаб чиқариладиган ўйинчоқларни текшириб кўриб, уларнинг аксарияти радиоактив, деган хулосага келишди. Асбоблар радиоактивлик даражаси 10 дан 100 гача эканлигини кўрсатди. Қўшимча текширишлар шундан далолат беряптики, радионуклидлар ички органларга тушиши билан, айниқса, хавф туғдиради.

Болаларда эса бу ҳолатнинг юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис, назорат маркази қаттиқ талаб қўйди: импорт маҳсулотларига божхона талабларини ошириш лозим.

ТАШЛАНДИҚДА ОЧИЛГАН ЁДГОРЛИК

Туркияда, дунёда биринчи марта, ташландиқ жойда ёдгорлик очилди. Бундай шарафга Истамбул четидаги ахлатхона муяссар бўлди. Гап шундаки, бундан уч йил олдин, ташландиқдаги ахлатларнинг ачиб-бижиғишидан метан гази ҳосил бўлди. Ва у кучли портлашга олиб келди. Бу офат натижаларини шаҳар халқи ҳали унутган эмас. Хуллас, ана шу жойда мармар тахта ўрнатилиб, унга фожиа қурбонлари номлари битиб қўйилди.

ШАҲАРДА ЯШАШ ЯХШИ

БМТнинг иқтисодий комиссияси дараклашича, 1950 йилдан шаҳар аҳолиси 733 миллиондан 2,26 миллиардгача кўпайган. Янги минг йилликнинг бошларига бориб, инсониятнинг ярми шаҳарларда яшайди. Европада Португалия ва Албаниягина ўз «қишлоқпарвар»лиги билан мақтаниши мумкин: бу ердаги фуқароларнинг 40 фоизи қишлоқларда яшайди.

Шаҳарнинг қанот ёзиши, энг аввало, экологик муаммоларни туғдиради. Юқоридаги комиссиянинг айтишича, аҳолиси миллиондан ошиқ бўлган ҳар бир шаҳар бир кунда 28 минг тонна кўмир гази чиқаради, 300 минг тонна сув истеъмол қилиб, 1600 тонна чиқит тўдалайди.

«ЮЛДУЗ»-ЛАРНИНГ ЗАИФ НУРЛАРИ

Кўпгина оддий одамлар каби кино «юлдуз»ларининг ҳам заиф томонлари бор экан. Масалан, Дэвид Боуч, самолётда учишдан қўрқади. Машҳур француз киноактёри Мишель Морган ўн йилдирки, учоқнинг яқинига йўламайди. Майкл Жексон эса ҳаммага маълумки, бактерия ва вируслардан қўрқади.

ана шунақа гаплар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги жамоаси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти «Ўзбек классик адабиёти» кафедрасининг профессори, филология фанлари доктори Натан Муродович Маллаев вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Асқар Шокиров, Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0261. Тиражи 33029. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6